Ўзбекистон овози

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

Рўзнома 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

№ 25 (21. 144) 1992 йил 5 февраль чоршанба

Баҳоси 60 тийин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. КАРИМОВнинг Давосда (Швейцария) жаҳон иқтисодий анжуманида 1992 йил 2 февралда сўзлаган нутқи

Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!

Иқтисодий анжуман ташкилотчиларидан, сиздан, доктор Г. Киссинжер, анжуман ишида қатнашиб, сизларни янги мустақил давлат — Ўзбекистон Республикаси билан таништириш имкониятини берганлигингиз учун миннатдорман. Бу республика ҳудуди Франция ҳудудига тенг бўлиб, унда 21 миллиондан кўпроқ одам — юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшайди.

Қадимий маърифат ва маданиятга, ноёб табиат-иқлим шароитига, олтин, қимматбаҳо, нодир ва рангли металларнинг, газ, кўмир ва бошқа минерал-хом ашё ресурсларининг жуда бой заҳираларига эга бўлган бу ўлка пахта, пилла ва қоракўл етиштиришда жаҳонда тўртинчи ўринда, полиз-сабзавот маҳсулотлари, мева ва узум етиштиришда етакчи ўринда турибди.

Жуда бой иқтисодий, ижодий ва маънавий салоҳиятга эга бўлган республика ўйламай хўжалик юритиш ва казарма социализми нималигини бошидан кечирди ва аслида ана шундай хўжалик юритиш ва казарма социализмини синаб кўриладиган майдонга айланиб қолди. Бунинг оқибатида ҳозир республиканинг иқтисодиёти бузилган ва у хом ашё етиштиришга йўналтирилган бўлиб, аҳолининг энг оддий эҳтиёжларини қондиришга ҳам қодир эмас, энг асосийси шундаки, жумҳурият собиқ марказдан ва бошқа ривожланган минтақалардан тайёр маҳсулот етказиб берилишига бутунлай қарам бўлиб қолган.

Ўрта Осиёдаги бошқа республикаларда бўлгани каби республикамизда чор Россияси босиб олгандан сўнг совет ҳокимияти йилларида ҳам бу стратегия ўзгармади. Баъзи бировлар республикамиз ҳозир ҳам хом ашёнинг энг бой арзон заҳираларини етказиб берадиган манба, ўзига ажратилган вазифани итоаткорлик билан бажарадиган минтақа бўлиб қолишини истайди.

Бироқ ўзингизга маълумки, вақт ўзгарди ва энди ўтмишга қайтиб бўлмайди. Биз ҳозир ҳаммамиз Қўшма Штатларнинг Президенти жаноб Буш ибораси билан айтганда, «коммунизмдан демократияга, буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдан эркин бозорга, авторитарликдан эркинликка сакраб ўтиш, янги дунё бўсағасида турибмиз».

Ҳозирги вақтда бизнинг асосий вазифаларимиз қуйидагилардан иборат:

1. Сиёсий ва иқтисодий танглик ҳолатидан чиқиб олиб ўз қиёфамизга, бунинг устига очиқ ва равшан қиёфамизга эга бўлиш, ўз маънавий-миллий қадриятларимизни тиклаб, миллатлараро ва фуқаролар тотувлигини таъминлаш, миллати, дини ва эътиқодидан қатъи назар шахс эркинлиги ва инсон ҳуқуқларига кафолат бериладиган замонавий демократик давлатлар қаторидан жой олишдир.

2. Текинига тайёрлик психологиясидан, текисчиликдан ҳалос бўлиш, меҳнатнинг замонавий омилларини одамлар онгига сингдириш, ишбилармонлик ва хусусий мулкка эркинлик бериш. Ишбилармонлик ва хусусий мулксиз янги жамиятни қуриб бўлмаслигини тушунамиз.

3. Иқтисодиётни мафкуралаштиришдан, жамиятни эса фақат бир мафкуранинг зўрлигидан тўла-тўкис ҳалос этиб, ажралиб қолиш ва маҳдудликни тугатиш ҳамда жаҳон иқтисодиётига қўшилишни таъминлаш.

4. Аниқ вазиятни, миллий хусусиятларни, минтақада асрлар давомида таркиб топган турмуш тарзини ҳисобга олиб жиддий ижтимоий ларзаларсиз бозорга ўтиш.

Бу соҳада ана шу қийин ва оғир йўлни босиб ўтган давлатларнинг тажрибасини эътиборга олиш ғоят муҳим эканлигини тушунамиз ва уларнинг ёрдами ва мададига муҳтожмиз, албатта.

Шуни олдиндан айтиб қўяй, республика парламенти қабул қилган бизнесни, ишбилармонликни, ҳорижий сармояларни рағбатлантириш, янги банк — кредит тизимини барпо этиш, мулкни хусусийлаштиришга доир ва бошқа қонунлар мажмуида биз «велосипедни кашф этганимиз йўқ», кўп нарсани Буюк Британия, Жанубий Корея, Сингапур ҳамда бошқа бир қанча мамлакатларнинг тажрибасидан олдик.

Туркия модели бизга мақбул бўлмоқда. У маънавий, миллий жиҳатдан ҳам, моддий жиҳатдан ҳам бизга яқинроқ бўлиб, биз ана шу моделга амал қилмоқчимиз.

Эркин бозор изига мустаҳкам ўтиб олишимиз учун ва бунинг учун кадрлар тайёрлаш ишида биз ҳар қандай ёрдамни миннатдорчилик билан кутиб оламиз.

Иқтсодиётимизни, бойликларимизни ҳорижий компанияларга очиб бериш, бозор иқтисодиёти тузилмаларини барпо этиш учун ҳозирнинг ўзидаёқ кўп иш қилинмоқда. Биздаги мавжуд олтин заҳиралари Ўзбекистонни ривожлантиришга ўз сармоясини қўйиш истагини билдирган барча кишилар учун энг ишончли кафолатдир. Бу олтин заҳираларини ҳудудимизда ҳорижий сармоя ёрдамида амалга ошириладиган лойиҳалар кафолати сифатида энг нуфузли халқаро банкларга қўямиз.

Ўзбекистонда янги жамиятни барпо этиш йўлида қилинаётган ҳамма ишларни халқаро ҳамжамият тушуниб етиши ва унга мадад беришига ишонишни истаймиз. Менинг энг катта истагим — мен буни самимий айтяпман — мухтарам хонимлар ва жаноблар, сизларни Ўзбекистон диёримизда кўришдир.

Эътиборингиз учун раҳмат.



*

Тошпўлат Абдураззоқов 47 йилдан буён Тошкентдаги «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли тажриба-механика заводида ишлаб келади. У самарали меҳнат қилиш билан бирга, ўз касб маҳоратини ёшларга ўргатишдан ҳам чарчамайди. Шу боис, шогирдлари ундан миниатдор. Ҳозир Тошпўлат ака тарбиялаган ишчи кадрлар корхонанинг турли цехларида ишлашяпти.

Дарҳақиқат, заводда устоз-шогирдлик анъаналари яхши йўлга қўйилган. Кейинги пайтда маҳаллий ёшлардан ишчи кадрлар тайёрлашга ҳам эътибор кучайтириляпти. Бу, албатта, ишсиз юрган ёшларнинг бир қисмини иш билан таъминлаш имконини бермоқда.

Суратда: тажрибали металл силлиқловчи Т. Абдураззоқов.

Р. ШАРИПОВ олган сурат.

* * *

Ҳилола Нарзуллаева — Самарқанд районидаги М. Горький номли жамоа хўжалигининг пешқадам сигирсоғаридир. У ўз боқимидаги 13 бош сигирининг ҳар биридан режадаги 2800 килограмм ўрнига 3600 килограммдан зиёд сут соғиб олди.

Ўнгдаги суратда: Ҳилола Нарзуллаева.

Ғ. АЛИЕВ олган сурат.

*

• *Факт ва шарх*

НАРХ - НАВО ОШМАЙДИ

Республикамизда ижтимоий-иқтисодий аҳволни барқарорлаштириш, бозор муносабатларига ўтиш учун шарт-шароит яратиш мақсадида 16 январдан бошлаб эркин нархларга ўтилди. Бу воқеа маълум даражада меҳнаткашларнинг турли табақалари орасида ҳар хил ташвиш ва ҳавотирликларни, эртанги кунга ишончсизлик каби кайфиятларни ҳам келтириб чиқаряпти. Айрим шахслар: «фалон нарсанинг нархи унча бўлармиш» деган «миш-миш»ларни авж олдиришяпти. Бу «миш-миш»ларда асос борми! Тошкент шаҳар ҳокимияти ҳузуридаги савдо бош бошқармаси бошлиғи Равшанбек ҲАМИДБЕКОВ мухбиримизнинг бу саволини қуйидагича шарҳлади:

— Белгиланган миқдорда чекланган нархларда сотиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари январь, февраль, март ойлари учун етарлича тўпланган. Улар аҳолига купонсиз сотилади. Фақат тухум етказиб берилда узилишлар бор. Бунинг сабаби аниқ. Бу маҳсулот республикамизга асосан Россия, Болтиқбўйи, Белорусь, Украинадан келтириларди. Ўтган йили тухум режадагидан 60 фоиз кам олинган бўлса, бу йил эса 35—40 фоиз кам келтирилади. Март-апрель ойларидан тухум етарли миқдорда етказиб берилади, деган умиддамиз.

Сарёғ масаласига келсак, уни эркин чакана нархда купон билан сотишга мажбур бўляпмиз. Ҳозирги кунда бир килограмм сарёғ нархи навига қараб 52 сўмдан 60 сўмгача боради. **«Яна нарх-наво ошади», деган миш-мишларда ҳеч қандай асос йўқ.** Республикамизга четдан келтириладиган кўпгина товарларни олиб келиш учун бошқа мустақил республикалар билан шартномалар тузиб бўлинди. Ўйлаймизки, кузга бориб таъминот соҳасида ижобий ўзгаришлар бўлади.

Яна шу нарсани айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 31 январдаги 41-рақамли қарорини бажариш учун 1992 йил 1 февралдан бошлаб айрим моллар ва маҳсулотлар купонсиз сотиладиган бўлди. Тортлар, сут, кефир, ряженка, морс, квас, газли сув, шарбатлар, пиво, шишада ва қўйиб сотиладиган алкоголсиз газли ичимликлар, музқаймоқ, саноат моллари-дан — нархи тушириллган моллар, ярим тайёр буюмлар ва ишга яроқли чиқитлар, томоша муассасаларида ишлатиладиган овоз кучайтирувчи аппаратлар, айрим спорт анжомлари, сабзавот маҳсулотларидан — лавлаги, қовоқ, шолғом, турп, турли ошқўқлар, қайта ишланган сабзавот маҳсулотлари — тузланган карам, помидор ва бодринг, норуда бинокорлик материаллари — мармар, шағал, қум, оҳак, цемент, ва улардан тайёрланган маҳсулотлар, минерал пахта ва ундан тайёрланган маҳсулотлар, толь, рубероид, асбоцемент, ҳўян, полиэтилен ва сополдан ясалган қувурлар, темир-бетон буюмлар ва ҳоказолар, ана шулар жумласидандир.

АСОВ ДАРЁНИНГ БЎЙСУНДИРИЛИШИ

Ўрта Осиё кемачилиги Чалиш техника участкасининг радисти дарёчилардан ташвишли хабар қабул қилди. Инжиқ Амударё кутилмаганда йўналишини ўзгартириб сўл соҳилидаги Чалиш посёлкаси кемалар тўхтайдиган жойдан узоқлашиб кетди.

Айни вақтда ўжар Дарё Қорақалпоғистоннинг ўнг соҳилидаги Беруний райони далаларини сувга тўлдира бошлади.

Участкадаги мавжуд сузувчи кранлар ҳамда землесосларнинг ҳаммаси пароходлар тўхтайдиган қўшни ерларга юборилди. Гидромеханизаторлар туну кун тиним билмай ишладилар. Қисқа вақтда ўжар дарё эски ўзанига бориб юборилди. Чалиш техника участкасининг А. Жабборов, Т. Дўрмонов бошлиқ йўл усталари бригадаларининг жамоалари ўжар дарёни бўйсундириш учун иложи бўлган ишларнинг ҳаммасини қилишди.

Дарёдаги сув оқими кўпайиши натижасида у ўз йўлини ўзгартирди — Туямўйин тўғонини очиб юборишди. Чунки ҳозир Хоразм вилояти, Қорақалпоғистон ҳамда қўшни Туркманистон Тошховуз вилояти ерларининг шўрини ювиш учун сув керак.

Энди Амударёнинг ана шу қисмида кемалар жадвалга мувофиқ қатнай бошлади. Йўловчиларни ва юкларни ташийдиган баржаларнинг ҳаммаси жадвалга мувофиқ қатнамоқда.

(ЎзТАГ мухбири.)

ИҚТИСОДИЁТ ЯНГИЛИКЛАРИ

УМИДВОР НАТИЖАЛАР

Қўшкўпир районида сут ва гўшт анча кўп етиштириляпти. Бу шахсий ёрдамчи хўжаликларга тўла-тўкис ёрдам кўрсатиш режасининг амалга оширилиши натижасидир.

Район деҳқончилик-саноат уюшмаси кенгаши хўжаликларнинг идоралари билан биргаликда аҳолини чорва моллар, паррандалар ва улар учун ем-хашак билан таъминлаб ўз олдиларига қўйилган вазифани уддаладилар. Ер ҳам етарли даражада ажратилди. Масалан, Олтибой Қурбонов номли колхозда кичик ферма эгаси бўлишни хоҳлаганларнинг илтимосларини тўла қондиришди, молларни ўтлатиб боқиш ташкил этилди, озуқа экинлари майдонлари кўпайтирилди. Томорқа ерларига ишлов бериш йўлга қўйилди, бу ерларда етиштирилаётган маҳсулотларни харид қилиши йўлга қўйилди.

Шахсий хўжаликларнинг эгалари ҳам катта фойда кўраётганликларини ҳис қилдилар. «Москва», «Коммунизм» Киров номли, «Тошкент» колхозларида бундай шахсий хўжаликлар кўп.

ДАРОМАД ҚАЕРДАН КЕЛЯПТИ!

Охунбобоев номли совхозининг сут-товар фермаси кейинги тўрт йил ичида биринчи марта даромад келтирди. Утган йил якунига кўра ҳар бир сигирдан ўрта ҳисобда 3600 килограмм сут соғиб олинди.

Азизахон Акбарова, Маърифатхон Бўриқулова, Оминахон Отажонова каби илғор сут соғувчилар тўрт минг литрдан кўпроқ сут соғиб олишди.

Бундай натижалар аввалдан мўлжаллаб қўйилганди. Хўжалик мутахассислари маҳаллий шароитларни ҳисобга олиб, молларнинг зотига қараб уларни боқиш режасини ишлаб чиқдилар. Керагидан кўпроқ ем-хашак ғамланди. Молбоқарларнинг иши кўпайиб қолди. Улар жониворларни бир кеча-кундузда 7 маҳал озиқлантирдилар. Бу эса ем-хашакдан тежамкорлик билан янада самаралироқ фойдаланишга олиб келди.

Эркин Мадраҳимов — Хоразм вилояти бўйича рўзномамизнинг ўз мухбири бўлиб иш бошлади. У 1961 йилда Тошкент Давлат дорилфунунининг журналистика куллиётини тугаллаб, «Қизил Ўзбекистон» рўзномаси таҳририятида адабий ходим бўлиб иш бошлаган. 1962-1973 йилларда Ўзбекистон радиосининг Хоразм вилоятидаги мухбири, «Ленин йўли» район рўзномаси муҳаррири вазифаларида, 1974-1986 йиллар давомида эса «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг Қорақалпоғистон ва Хоразм областидаги мухбири бўлиб ишлаган. 1986 йилдан буён эса жумҳурият Ёзувчилар уюшмасининг Хоразм вилояти бўлимида масъул котиб вазифасида ишлаб келди. У «Иқбол», «Оҳулар», «Тенг бир кун», «Чақмоқ», «Туямўйин тонги», «Кўнгил гавҳари», «Ёлғоннинг умри қисқа», «Тиллақуш» сингари очерк, шеър, ҳикоя ва қиссалардан иборат китоблар муаллифидир. 150 га яқин шеър ва ғазаллари кўпчилик таниқли санъаткорларнинг қўшиқ репертуарларидан ўрин олган. Бугун эътиборингизга унинг дастлабки мақоласи ҳавола қилинмоқда.

ЎЗИМИЗГА МИСҚОЛЛАБ, ЎЗГАЛАРГА БОТМОНЛАБ

Инқирозга учраган жамиятимиз иноҳоятда танг бир ҳолатни бошдан кечирмоқда. Ҳаётнинг бундай қийин, синов дамларида аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, унинг кам таъминланган аҳолисининг турмуш шароитини яхшилаш, ғамхўрлик қилиш фуқаропарвар ҳар бир ҳукумат, давлатнинг муқаддас бурчидир.

Оғир ва машаққатли пайтларда қўлимизда мавжуд бўлган моддий бойликларимизга, қўшни жумҳуриятлардан, чет давлатлардан кўпгина қийинчиликлар эвазига олинаётган турли моллар, озиқ-овқат маҳсулотларимизга ҳамма бирдай кўз-қулоқ бўлиб туриши, халқимизга адолатли сарфланиши устидан назоратни ўн чандон кучайтириш керак. Негаки, турли жойлардан диёримизга такаллуфсиз ташриф буюрган неча юзлаб олибсотарлар, «бартер» деган сўзни ниқоблаб олган 'миллаб қўли қийгир, дили нопок олғирлар, дийдаси қаттиқ қаллобу, ўғрилар жумҳуриятимиз бўйлаб санғиб, моддий бойликларимизни ташқарига олиб чиқиб кетишмоқда.

Бундай кўнгилсиз манзаралар Хоразмда ҳам содир бўлиб турибди.

НАФСИ ЎПҚОН САЙЁҲЛАР

10 январь, тунги соат тўртлар чамаси эди. Шовот темирйўл станциясининг ички бекатларидан бирида турган 867-«Махачқала» сайёҳлар поезди вагонларидан бирининг ёнига юк автомашинаси келиб тўхтади. Вилоят гўшт ва сут маҳсулотлари автобазаси шофёри Оллоёр Абдиримов аввалига кабина зинапоясида турганча ҳеч ким пойламаётганмикан, дегандек атрофга аланглаб қаради. Қоп-қоронғу эмасми, ҳеч ким кўринмади.

Молларнинг эгалари — Комил Магомедов ва унинг икки нафар шериги машина кузовидаги нарсаларни вагонга ўтказишаётганида гўё осмондан тушгандек машина олдида милиция ходимлари пайдо бўлишди. Улар моддий бойликларни олиб чиқиб кетишни назорат қилувчи давлат инспекцияси вилоят бўлимининг темирйўл ва аэропорт пости қўриқчилари эди. Сайёҳатчиларнинг ҳам, улар нопок йўллар билан тўплаган молларни катта пул эвазига давлат машинасида олиб келган О. Абдиримовнинг ҳам беихтиёр тарвузи қўлтиғидан тушиб кетди. Ахир, сайёҳлар олиб кетаётган нарсалар оз эмас — салкам 30 минг сўмлик маҳсулот эди. Бу товарларнинг давлат нархи албатта. Лекин 30 минг сўмлик деб ҳисобланган катта ҳажмдаги товарлар уларга қанча «шапка»га тушганини худонинг ўзию ва олиб-сотарлар, таъминотчилар билади.

Хўш, улар нималар олиб кетишаётган эди, дейсизми? Марҳамат. Ҳар бири 20 килограммлик 76 қути сарёғ, ҳар бири 45 банкалик қуюлтирилган 30 қути сут, Югославияда тикилган 6 жуфт аёллар этиги, 300 дона катта-кичик пиёла, бир жуфт саломандра этиги, 150 метр газлама, чет элда тўқилган 11 та ноёб болалар жемпери, бир халта шакар... ва ҳоказо отлиққа ҳам топилмайдиган нарсалар...

Бошқирдистон Республикасининг Саловат Юлаев шаҳри фуқароси Радик Аҳадов олғирлик, устаси фаранглиқда уч «сайёҳ»га бир ўзи тенг келди. У ҳам қўли-қўнжи тўлиб, хоразмликларга сотишга мўлжалланган 30 минг сўмликдан зиёд товарни олиб чиқиб кетаётганида назоратчиларга дуч келди.

(Давоми иккинчи бетда)

Диққат: «Ўзбекистон овози»га ёрдам жамғармаси очилди

ДЎСТ ОҒИР КУНДА БИЛИНАДИ

Азиз муштарийлар!

«Ўзбекистон овози»нинг қадрдонлари!

Ҳурриятпарвар халқимизнинг асрий орзуси рўёбга чиқди. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришди. Эндиликда ўзлигини таниб, кўзи очилган халқимиз Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши, эртасининг фаровонлиги учун астойдил ҳаракат қилишга киришди. Четдан ҳеч ким ишимизга аралашаётгани йўқ. Лекин ҳар қандай янги рўзғорнинг яхши кунлари ҳам, ташвишли онлари ҳам бўлганидек, ҳамма ишларимиз силлиқ кетаётибди, деб бўлмайди. Ўзимизга боғлиқ бўлмаган омиллар туфайли тирикчилигимиз бирмунча танг босқичга кирди. Сезиб, кўриб ва билиб турибсизки, бозор иқтисодиётига ортиқча йўқотишларсиз, зарур маҳсулотлар нархини барқарор сақлаган ҳолда ўтиш йўлида Президент, Олий Кенгаш ва ҳукумат тинмай изланмоқда.

Сир эмас, ҳозир ҳамма қатори бизнинг ижодий жамоамиз, сиз астойдил кўнгил қўйиб обуна бўлган рўзномангиз «Ўзбекистон овози» ҳам иқтисодий қийинчиликни бошдан кечирмоқда. Бунга ўзимизда ишлаб чиқарилмайдиган қоғоз, бўёқ, босмахона анжомлари нархи олдинги «қардош» шерикларимиз томонидан кескин оширилгани асосий сабабдир. Масалан, Россия ҳар тонна қоғоз нархини ўтган йилги 270 сўмдан ҳозир 20 минг сўмгача кўтариб қўйди. «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернидан хабар қилишларича, февраль ойидаёқ рўзнома учун қоғоз тақчиллиги бошланар экан. Хуллас, рўзноманинг ҳар бир нусхаси таннархи кескин ортиб, чакана сотувда 60 тийинга етди. Лекин таҳририят жамоаси ўз ҳаммуассиси ЎзХДП Марказий Кенгаши билан маслаҳатлашиб, ўтган йили олдиндан обуна бўлганлар учун рўзнома нархини эскича ушлаб турибди.

Шукурлар бўлсинки, айни кунларда бизни мамнун этадиган нарса — дўстларимиз кўмаги. Рўзноманинг кўплаб қадрдонлари ўз ташаббуслари билан «Ўзбекистон овози»ни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқдалар. Мустақил давлатимиздаги бир қанча меҳнат жамоалари, айрим фуқаролар рўзномага имкониятлари етганича пул-маблағ бермоқдалар. **Тошкент шаҳридаги бир қатор қўшма корхона, бирлашма ва заводлар, деҳқончилик тарқўшма корхона, бирлашма ва заводлар, деҳқончилик тарқўшма корхона, бирлашма ва заводлар, деҳқончилик тарқ

ХАЛҚ МЕҲРИ ДАРЁ

Январь ўтиб февраль бошланган бўлса ҳам И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Президенти қилиб сайланганлиги муносабати билан республика шаҳар ва қишлоқларидан келаётган табрик телеграммалари ва хатлари рўзномамиз кундалик почтасининг асосий қисмини ташкил этмоқда. «Менинг маслагим — инсон бахт-саодати, республика манфаатлари» деган эди И. А. Каримов сайловолди учрашувларидан бирида. У ана шу сўзларига содиқ эканлигини амалий ишларида кўрсатмоқда. Унинг фаолияти, қабул қилаётган фармонлари халқнинг турмуш шароитини енгиллаштириш, манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадларига қаратилганлигини каттаю-кичик — ҳамма кўриб-билиб турибди. Шу сабабли ҳам кишилар ўз табрик хатларида Президентдан шу йўналишдаги фаолиятини янада кучайтиришни, катта йўлда учраётган турли хил ғиғоларга барҳо қилмай танланган сиёсатни дадиллик билан давом эттиришни илтимос қилмоқдалар. Қуйида ана шундай мавзудаги телеграмма ва хатлардан айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич! Олмалиқликлар Сизни республикамиз Президенти қилиб сайланганлигингиз билан самимий қутлайдилар. Ўзбекистонимизнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги, бундан кейинги тараққиёти, халқимизнинг фаровон турмуши, миллатлар ўртасидаги тинч-тотувлик ва порлоқ келажак йўлидаги фаолиятингизга доимо омад қулиб боқсин. Халқимизнинг бахтига ҳамиша соғ-саломат бўлинг.

Т. ЮСУПОВ,
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Олмалиқ шаҳар кенгашининг биринчи котиби.

* * *

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовга!

Халқ демократик партияси Шаҳрихон район кенгаши партиянинг 2 минг нафар аъзоси номидан Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти қилиб сайланганлигингиз муносабати билан қизғин табриклайди ва ишларингизда, шахсий ҳаётингизда катта муваффақиятлар тилайди.

Й. СОБИРОВ,
ХДП Шаҳрихон район Кенгаши котиби.

* * *

Қадрли Ислом Абдуғаниевич!

Республикамиз Президенти қилиб сайланганлигингиз муборак бўлсин. Ўзбекистон халқи Сизни ўз раҳбари қилиб танлагани — ҳақ йўлни танлаганидир. Мустақил Ўзбекистоннинг ойдин йўлга чиқиб олиши Сизнинг фаолиятингизга боғлиқ. Биз ҳозирги қийинчилик кунларидан эсон-омон ўтиб олиб, қутлуғ кунлар келишига албатта ишонамиз. Шу йўлда Сизга омад, мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат тилаймиз. Ҳурмат билан,

Ш. ЭРГАШЕВ,
ХДП Термиз район кенгашининг биринчи котиби.

* * *

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич! Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганлигингиз муносабати билан Бекобод шаҳар уруш ва меҳнат фахрийлари Сизни чин кўнгилдан табриклайдилар. Сиз бутун республика халқига, шахсан уруш ва меҳнат фахрийларига, нафақахўрларга, аҳолининг кам даромадли табақаларига ғамхўрлик қилиб келмоқдасиз. Шу сабабли ҳам биз — кексалар Сиз учун, республика мустақиллиги учун овоз бердик. Шунингдек шаҳримиз уруш ва меҳнат фахрийлари, байналмилалчи жангчилар ёш авлодни тарбиялашда ўзларининг куч ва ғайратларини сира ҳам аямасликка сўз берадилар. Яна шуни ҳам айтмоқчимизки, шахсан Сизнинг куч ва ғайратларингиз туфайли республикада туб маънода сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар содир бўлди. Жаҳондаги мамлакатлар республикамиз мустақиллигини тан олаётганлигида Президент сифатида Сизнинг улушингиз беқиёс, албатта. Сиздан ишингизни изчил давом эттиришингизни илтимос қиламиз. Ўзингизга мустаҳкам соғлиқ, олижаноб фаолиятингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Бекобод шаҳар уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши номидан шу кенгаш аъзоси

А. БЕГАЛИЕВ.

* * *

Биз хатлар билан синчиклаб танишаётганимизда қуйидаги мактуб эътиборимизни тортди. Йўқ, уни катта ёшдагилар эмас, учинчи, бешинчи ва саккизинчи синфда ўқиётган ака-укалар ёзишган. Бу хатни ҳеч қандай таҳрирсиз, шундайлигича муштарийлар эътиборига ҳавола қилмоқчимиз.

Ассалому алайкум меҳрибон отахонимиз Ислом ота Каримов! Биз ўзимизнинг бутун борлиғимиз-вижданимиз билан Сизни барча халқларнинг отаси этиб сайланганлигингиз билан табриклаймиз. Шу муносабат билан Сизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик, узоқ умр, куч қувват тилаймиз. Ҳурматли отахонимиз, Ўзбекистонимизнинг мустақил йўлга чиқиб олганлигини кўролмайдиган кишилар ҳам борлиги кейинги пайтларда маълум бўлиб қолди. Тошкентда бўлган воқеалар бунинг исботи. Сизнинг нақадар куйиниб гапиранглигингизни телевизордан бир неча марта кўрдик ва эшитдик. Аввало тинчликни сақлаш, халқларнинг тўқ турмушини кўзлаб қилаётган ишларингизни фақат катталигина эмас, биз — ўқувчилар ҳам кўриб-билиб турибмиз. Барча яхшиликларингиз учун ҳаммамиз сиздан миннатдормиз. Шу билан бирга Сиздан илтимос ҳам қиламизки, сира ҳам таналаган йўлингиздан четга чиқманг, бу йўл ҳақиқат йўли. Биз — болалар ва ёшлар шу йўл ёруғ кунларга олиб чиқишини яхши тушунамиз.

Ҳофиз, Воҳид, Элбек ПАРДАЕВЛАР.
Яккабоғ районидаги Қайроғоч қишлоғи.

* * *

Мана бу хатни ҳам Қашқадарё вилоятидаги Ғузор районидан олдик. Унга Охунбобоев номли давлат хўжалигида яшовчи Қаҳрамон она Хосият Улашева имзо қўйган. Бу хатни ҳам таҳрирсиз босяпмиз.

Мен Қаҳрамон онаман. Қишлоғимизда серфарзанд оилалар истиқомат қилишади. Қўни-қўшниларим орасида 14 нафар она мен сингари Қаҳрамон оналардан. Шу сабабли ҳаммамиз ҳам Президентимиз Исломжон Каримовнинг кўпроқ оналарга ва болаларга ғамхўрлик кўрсатаётганидан миннатдормиз. Исломжоннинг ёши мен билан тенг экан. Илоҳим ғамхўрликлари учун худо уни ёрлақасин.

Ў имзо қўйган фармонлар бизга нақадар катта ёрдам бераётганлигини ўз оиламиз мисолида айтмоқчиман. Турмуш ўртоғим ўқитувчи. Беш хонали давлат уйида яшаймиз. Президентимизнинг Фармонига биноан бу уй бутун ҳовли-чорбоғлари билан ўзимизнинг шахсий мулкимиз бўлиб қолди. Тўрт нафар ўғлим Свердловск, Иркутск, Магадан ва Узоқ Сахалинда солдатлик бурчини адо этишди. Бешинчи ўғлим Комилжон ҳам солдат бўлишни, Республикамиз тинчлигини қўриқлашни орзу қилади. Президент Фармонига биноан кенжамиз Мусулмонжон армия хизматидан озод этилди. Яна бир воқеани айтай. Хўжалигимиз ўтган йили 580 гектар ерга ғалла эккан бўлса, бу йил минг гектар ерга арпа ва буғдой сочилган. Республика оқсоқолининг кўрсатмаси билан барча хонадонлар қатори биз ҳам бир йилга етадиган дондунли бўлиб қолдик. Ҳукуматимиз биз сингари кўп фарзандли оилаларга ғамхўрлик қилиб турмушини енгиллаштираётгани учун миннатдорчилигимиз чексиз.

Тинчлик-омонлик, дориломон кунлар айни ҳозир республикамизга жуда ҳам зарур. Мана шуни тушунмаётган, балки тушунишни истамай мустақиллик йўлига ғов бўлаётган кишилар ҳам топилаётгани оддий меҳнаткашларни жуда ҳам ташвишлантиряпти. Тошкентдаги воқеаларни эшитиб ўзимизни қўярга жой тополмай қолдик. Халқнинг тинчлигини бузадиган, йўлимизга ғов бўладиган одамларга, агар уларни одам деб бўлса, нисбатан аёвсиз бўлиш керак. Негаки, бундай кишилар мустақиллигимизни кўришолмайди. Ўзларининг ғайрли мақсадларини кўзлаб ҳар қандай ишга қўл уришга тайёр эканликларини талабалар шаҳарчасидаги воқеалар кўрсатди.

Ҳурматли Исломжон Каримов! Сиздан илтимос, бундай кишиларга боя айтганимдай аёвсиз бўлинг. Студентлар ўлимига сабабчи бўлганларни топиб, албатта тегишли жазосини беринг, токи бу ҳақ йўлга айри тушадиган бошқаларга ҳам сабоқ бўлсин. Сизга мустаҳкам соғлиқ, ишларингизга муваффақият тилайман. Ишқилиб, бахтимизга омон бўлинг.

* * *

Бундай хатлар кўп. Масалан, Зарафшон шаҳридан нафақахўр ўқитувчи Ж. Қосимов, жиззахлик С. Қосимов, шўрчилик Қ. Худоёров ва бошқалар ҳам Ўзбекистон Президентини умумхалқ сайловида ғолиб чиққанлиги билан табриклар эканлар, республикада тинчлик-осойишталикни сақлаш, халқни ижтимоий ҳимоя қилиш, мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида унга омад тилаганлар.

Рўзномамизда шунингдек, бошқа республикаларда истиқомат қилаётган ватандошларимиздан ҳам, жумладан, Ўш вилояти Қадамжой районининг Холмиён қишлоғилик Х. Собиров, Тожикистоннинг Ғофуров шаҳрида яшовчи М. Ражабов ва бошқалардан ҳам табрик хатлари келди. Жалолободлик меҳнат фахрийлари, турли касб эгаларидан 48 киши имзо қўйган хатда шундай деб қайд этилган:

Биз, жалолободлик ўзбеклар Ўзбекистон Президентлигига И. А. Каримов сайланганлигидан хурсанд бўлдик. Ишончимиз комилки, Ўзбекистонликлар унга овоз бериб, жуда ҳам тўғри иш қилдилар. Чунки республикага оқсоқол қилиб И. А. Каримовдай одил, инсонпарвар, халқ манфаати учун жонини ҳам аямайдиган кишининг сайланганлиги ҳақ ишнинг қарор топганлигидир. Бошқа жумҳуриятларда яшаётган ўзбекларнинг кўзлари ҳамиша жонажон Ўзбекистонда, у ерда содир бўлаётган воқеаларда, хайрли, савобли ва саҳоватли ишларда, Сиз — қондош дўстларимизнинг муваффақиятлари чексиз бўлишини яратган Аллоҳдан илтижо қиламиз. Ўзбекистонда мўл-кўлчиликни таъминлашда, порлоқ истиқболни яратишда, мустақилликни мустаҳкамлашда худо ҳамиша сизларга ёр бўлсин.

К. ҒОИИББОЕВ,
Қирғизистонда хизмат кўрсатган врач, уруш ва меҳнат фахрийси. Шунингдек яна 47 имзо.

* * *

Хатларнинг муаллифлари республикада содир бўлаётган воқеалар ҳақида ўзининг қатъий фикрини, иродасини билдирмоқда. Республикада осойишталикни сақлаш, унинг гуллаб яшнаши учун бор имкониятларни ишга солиш зарурлиги таъкидланган. Халққа сидқидилдан, ҳалол, виждонан хизмат қилаётган Ўзбекистон Президентига ҳар жиҳатдан ёрдам беришга даъват этилган. Фожиали воқеага одил баҳо берилишига, бундай кўнгилсизликларнинг такрорланмаслигига астойдил ишонч билдирилган. Булар халқнинг ишончи, қатъий сўзидир. Зеро, халқ сўзи ҳақ сўз бўлади.

Сирдарё вилояти мева-сабзавотчилик ва виночилик бирлашмасида кейинги йилларда қувватларни янада оширишга эътибор берилмоқда. Бу ерда консерва заводи қурилиши якунланиш арафасида турибди. Унинг қуввати йилига 50 миллион шартли банка маҳсулот тайёрлашга мўлжалланган. У шу йили ишга туширилади. Италиядан келтирилган юксак унумли агрегатлар ўрнатилмоқда.

Бирлашмада қишда аҳолига сотиш учун 1726 тонна картошка, 393 тонна мева, 221 тонна узум, 2447 тонна полиз маҳсулотлари, 5978 тонна сабзавот тайёрлаб қўйилган.

Суратда: Гулистондаги 10-сабзавот дўкони сотувчиси Асият Тўхтарова харидорларга картошка, олма нок, қовоқ, сабзи ва бошқа маҳсулотларни таклиф қилмоқда.

Р. ШАГАЕВ олган сурат (ЎзТАГ).

ЎЗТАГ—АНАДЎЛУ АХБОРОТ БОШҚАРМАСИ ҲАМКОРЛИГИ

АНАДЎЛУ ахборот бошқармасининг мухбирлари Анқарадан хабар қиладилар:

Туркия Қирғизистон ва Тожикистон билан дипломатия муносабатлари ўрнатди. Туркия Жумҳурияти ташқи ишлар вазири Ҳикмат Четин Москвадаги музокараларни тугатгач, мазкур мустақил давлатларнинг ташқи ишлар вазирлари билан дипломатия муносабатлари ўрнатиш тўғрисидаги ҳужжатларни имзолади.

Ўрта Осиё мустақил давлатларида элчихоналар очишга тайёргарлик ишлари бошланди.

* * *

Телекўрсатув орқали бўлган мунозараларда мамлакатдаги барча сиёсий партияларнинг раҳбарлари Туркиядан ташқарида, мустақил давлатларда яшаётган мусулмон турклар билан бевосита алоқа ўрнатишни ёқлаб гапиришди. Жумладан, Рифаҳ партиясининг раҳбари Бюлент Эжевит туркий халқлар билан алоқа вазирлигини тузиш зарурлигини таъкидлади.

(АА—ЎзТАГ).

● *Рўзноманинг шу сонига*

ҲАР ҚАНДАЙ «ХАБАР»ГА ҲАМ ИШОНАВЕРМАНГ

Айтилган сўз — отилган ўқ дейди халқимиз. Ўзбекистон аҳолиси бу мақолнинг тўғрилигига яна бир бор ишонч ҳосил қилди. «Маяк» радиостанцияси ва «Вести» («Хабарлар») телепрограммаси эшиттиришлари туфайли республикада Наманганда тартибсизликлар юз бергани ҳақида миш-миш тарқалди. Бу ахборот воситалари 1 февраль куни кечқурун шу ҳақда хабар қилдилар. Лекин ахборот манбаи айтилмади.

Душанба куни эрта тонгданоқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг матбуот шўъбасига ва Ўзбекистон ахборот бошқармасига одамлар телефон қилиб Намангандаги вазиятдан хабардор қилишни илтимос қила бошладилар.

Наманган вилоят ижроия комитети ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Валижон Ашуровга биз шундай саволни бердик.

— Бу хабарлар ғиғоларликдан бошқа нарса эмас, — деб шарҳлади у Намангандан берилган «Москва янгиликлари»ни. — Минглаб киши лар чалғитилди. Бинобарин ҳозирги мураккаб кунларда вазиятни кескинлаштириш, носоғлом эҳтиросларни келтириб чиқариш кимгадир керак бўляпти. Мен «Маяк» ва «Вести» журналистларига мурожаат қиламан — ўша ёлғон ахборот берган одамнинг исмини айтинг, тингловчилардан кечирим сўранг. ҳуқуқни муҳофаза қилиш идорасининг ходими сифатида ғиғоларликдан иборат миш-миш тарқатаётган одамлар қаттиқ жавобгарликка тортилиши керак деб ҳисоблайман.

Бутун масъулиятни зиммамга олиб шуни айтаманки, деди В. Ашуров, шанба ва якшанба кунлари Наманган кўчаларида, вилоятнинг бошқа шаҳар ва қишлоқларида осойишталик ҳукм сурди. Бугун, 3 февраль куни ҳам вазият меъёрдагидек, транспорт, корхоналар, ўқув юртлари, савдо корхоналари бир маромда ишламоқда.

(Республика Ички ишлар вазирлиги матбуот шўъбаси — ЎзТАГ).

● *ДИҚҚАТ: ЯНГИ РУКН*

Рўзномамиз муштарийлардан ҳар куни юзлаб хат олади. Уларнинг бир қисми ижтимоий-сиёсий бўлим номига келадиган хатлар. Бу хатларнинг мазмуни ҳар хил. Баъзилари меҳнат жамоалари ҳаёти, кундалик ишлар, ечилиши қийин бўлган муаммолар, сиёсий оламдаги гаплар тўғрисида бўлса, айримлари эса Халқ демократик партияси ҳаётига доир масалалар, партия кенгашлари, бошланғич ташкилотлар фаолияти, илк тажрибалар, танқидий фикр-мулоҳазалар мавзусида. Айниқса ХДП ташкил этилиб, унинг Дастури ва Низоми эълон қилингач, ушбу партиявий ҳужжатларни чуқурроқ тушунтириб бериш илтимос қилиб ёзилган хатларнинг сони кўпайди. Партия ҳаётининг турли қирраларига, ташкилий-низомий масалаларга доир саволлар ҳозир ҳам кўппаб келяпти. Бундай илтимослар рўзнома ижтимоий-сиёсий бўлимида анчагина тўпланиб қолди. Биз уларни партия иши мутахассислари билан бирга кўриб чиқиб, рўзноманинг бугунги сонидан бошлаб ушбу саволларга жавоблар бериб боришга қарор қилдик. Шу мақсадда «ХДП: савол ва жавоблар» деган янги рукн очяпмиз. Муштарийлардан илтимос, партия Низомига доир қандай саволлар бўлса, марҳамат, ёзиб юбораверинг, рўзнома саҳифаларида албатта жавоб оласиз.

ХДП: САВОЛ ВА ЖАВОБЛАР

Ҳурматли таҳририят! Мен ХДП аъзоси бўлганимдан бери анчалик кўп вақт ўтмади. Унинг Дастури ва Низомини чуқур ўрганиб чиқдим. Маълумки, ҳар қандай мукаммал Низомда ҳам партия ҳаётининг ҳамма қирраларини қамраб олиш қийин бўлади. Шу сабабли менда баъзи саволлар пайдо бўлди. Илтимос рўзнома орқали мана шу саволларимга жавоб қайтарсангизлар.

1. Бошланғич партия ташкилотлари қаерларда ва қандай тузилади?

2. Ишлаб чиқаришдаги бошланғич партия ташкилотлари ҳисобида турган партия аъзолари айни бир пайтда ҳудудий маҳалла, уй-жойлардан фойдаланиш идорасидаги бошланғич партия ташкилотлари ҳисобида ҳам туриши мумкинми? Ҳурмат билан

Ғ. СОБИРОВ,
Тошкент шаҳри.

1. Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Низомида қайд этилганидек бошланғич партия ташкилотлари одатда район, шаҳар ҳокимият (ўзини ўзи бошқариш) органларида сайлов ўтказувчи бир ёки бир қанча сайлов округи доирасида тузилади. Амалдаги қонунларга хилоф бўлмаган жойларда бир корхонада, ишлаб чиқариш бирлашмасида, хўжалик, муассаса, ташкилотда ишловчи партия аъзоларини бирлаштирадиган ишлаб чиқаришдаги бошланғич партия ташкилотлари тузилиши ҳам мумкин.

Ҳар икки ҳолда ҳам бошланғич партия ташкилотини тузиш учун камида 5 нафар партия аъзоси бўлмоғи зарур. Бошланғич ташкилотни тузиш учун унга бирлашишни ихтиёр этган партия аъзолари партия таъсис йиғилишини ўтказишлари, унда ташкилотни тузиш ҳақида қарор қабул қилишлари, ижроия бюрони ёки партия ташкилоти котиби ва унинг муовинини сайлашлари лозим. Низомда қайд этилганидек, янги тузилган бошланғич партия ташкилотини рўйхатга олиш учун таъсис йиғилиши протоколидан кўчирмани Ўзбекистон ХДПнинг тегишли район, шаҳар кенгашига тақдим этиш талаб қилинади.

2. Низомга мувофиқ партия аъзоси ўз ҳоҳиши билан бошланғич партия ташкилотларидан бирининг ҳисобида туради. Яъни бир вақтда унинг иккита партия ташкилоти ҳисобида туриши мумкин эмас. Шу билан бирга партия аъзоси ишлаб чиқаришдаги бошланғич партия ташкилоти ҳисобида туриб ва унга аъзолик бадалларини тўлаб бориб, ўзининг асосий сиёсий фаолиятини ўзи истиқомат қиладиган жойдаги ҳудудий партия ташкилотида олиб бориш ҳуқуқига ҳам эга.

Илтимос, қуйидаги саволга жавоб берсангизлар: партия аъзолари сони қанча бўлганда бошланғич ташкилот ижроия бюроси сайланади? Яна бир савол: партия ижроия бюроси, партия кенгаши аъзолари сони албатта тоқ бўлиши керакми?

Т. АҲМЕДОВ,
Боғот райони.

Партия Низоми ижроия бюрони сайлаш имконияти бўлган бошланғич партия ташкилотида партия аъзоларининг сонини белгиламаган. Яъни партия аъзолари ўз ташкилотлари таркибида қанча аъзо бўлишидан қатъи назар ўз фаолиятлари хусусияти ва шароитларидан келиб чиқиб ижроия бюрони сайлайдими ёки бошланғич партия ташкилоти котиби ва унинг муовинини сайлаш билан кифояланиб қоладими, буни уларнинг ўзлари мустақил ҳал этадилар.

Партия ташкилоти ижроия бюроси ёки кенгашининг сон таркибини белгилаш ҳам Низомда кўрсатилмаган. Аммо бу ерда асосий шарт шундан иборатки, уларнинг таркибига сайланадиган партия аъзолари шу иш учун зарур бўлган сиёсий хислатларга ва ташкилотчилик фазилатларига эга бўлишлари лозим. Ушбу органларда қанча партия аъзоси сайлаб қўйилишини, уларнинг сони тоқ ёки жуфт бўлишини эса партия ташкилотининг ўзи ҳал қилади.

М. ЕЛЬШОВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши таҳлил ва таҳмин гуруҳининг раҳбари.

ЎЗИМИЗГА МИСҚОЛЛАБ, ЎЗГАЛАРГА БОТМОНЛАБ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Радикнинг юзидаги ғабассум бир зумда сўниб, тили ғўлдиради:

— У-уйга! — деди назоратчиларнинг «йўл бўлсин?», деган саволига зўр базўр. — Н-нимайди?

Назоратчилар босиқ, мулойим оҳангда дейишди:

— Багаждаги нарсаларингизни қолдириб кетсангиз... Ахир, улар элдошларимизга мўлжалланган. Ўзимизда ортиқча бўлсаям бошқа гап эди...

Радик Аҳадов чорасиз қолди. Ахир уни фош этадиган «ашёвий далиллар» керагидан ҳам ортиқ эди. Назоратчилар унинг сафар жабдуқларидан АҚШда тикилган 38 дона жинси шим, Италияда тикилган ҳар бири 630 сўмлик 5 жуфт бежирим аёллар этиги, хуллас, 30 минг сўмликдан зиёд ҳар хил ноёб молларни олишиб, тегишли жойга келтиришди.

«ҲОКИСОР» ТУЛЛАК

«Аёлнинг макри-алдови қирқ эшакка юк бўлади», деб эшитган эдим. Лекин Урганч шаҳрининг «Хлопкозаводская» кўчасида истиқомат қиладиган эркак Раҳим Рўзиматовнинг макри бир контейнерга ҳам сиғмай кетди.

Воқеа бундай: у яқинда, тўғриғоғи 16 январь куни жумҳурият Давлат инспекцияси вилоят бўлими бошлиғи, милиция майори Омонбой Иброҳимов ҳузурига йиғламсираб кириб келди. Арзгўйни бошлиқ илиқ кутиб олди.

— Келинг, хизмат?

Раҳимбой шундай ҳокисорлик билан, гўё эзилавериб ҳоли-мадори қолмаган бандадек, ҳалим бир оҳангда ҳасрат қилди:

— Шу ... ёшулли Симферополда уйланиб, шу ёқда ўқиётган ўғлимга ярим халта гуруч, ярим халта ун, ўзининг эски-туски кийим-кечакларини жўнатаётган эдим. Эҳтиётлаб, бундайроқ бир қутига жойлаб, михлаб ташлагандим. Ходимларингиз очиб ичини кўрсатасан деб ҳоли-жонимга қўйишмаяпти. Биласиз, ҳозир аҳвол қийин, ўғлим ёт эл, ёт ерда қийналиб қолмасин, деб жўнатаётган эдим.

«Жуда ҳокисор экан, бечора» хаёлидан ўтказди бошлиқ. Алдамаётган бўлиши керак»...

— Ярим халта гуруч билан ярим халта ун бўлса ўтказиб юбораверинглар, — деди бошлиқ Раҳимбойга эргашиб келган пост назоратчисига. — Майда-чуйда нарсаларга унчалик ёпишиб олаверманглар.

Назоратчи эса қаттиқ турди.

— Биз ишонмаяпмиз, ёшулли. Албатта кўришимиз керак.

— Ундай бўлса инспекция ҳовлисига келтириб кўрақолинглар, — топшириқ берди бошлиқ.

Раҳим Рўзиматовнинг юзи докадек оқариб кетди.

Контейнер кўпчиликнинг кўзи олдида очилди. Назоратчилар беҳуда шубҳаланишмаётган экан. Ҳокисорнинг чуви чиқди. Тулларкнинг гўё тобутга ўхшатиб ўралган қутисидан нималар чиқмади дейсиз: Хитойда тайёрланган 90 банка гўшт консерваси, 54 та чойшаб, 45 банка қуйилтирилган сут, 50 килограмм шакар, 50 килограмм ун, 100 килограмм гуруч, чет элда ишлаб чиқарилган 1668 дона тиш ювиш пастаси, 58 та тиш чўткаси, 476 та антиқа болалар ўйинчоғи, 25 дона аёллар сумкаси, 398 дона «импортний» пудра. 571 дона ҳар хил рангли ғалтак ип, 50 дона термометр... бошқа яна алламбало майда-чуйдалар. Уларнинг умумий нархи 30 минг сўмдан ошади...

Олибсотарнинг найранги, макри ҳам туллакона бўлар экан-а!

... Биз инспекция ходимларининг яна бир хушёрлигини айтиб ўтмоқчимиз. Бу яқинда уларнинг Хива — Урганч — Мари йўналишида йўлга чиққан автобусни текшириб кўришганида намоён бўлди. Йўловчилардан қўшни жумҳуриятга яширин олиб ўтиб кетилаётган 29 дона палос, 1600 пачка фильтрли сигарета тортиб олиниб, маҳаллий аҳолига сотиш учун тегишли жойга топширилди. Олибсотарлар эса «бу паласларнинг ҳар бирини 1600 сўмдан харид қилган эдик» дея қарсак чалиб қолаверишди, эвазига уларга ўша паласларнинг давлат нархи баҳосида 150-187 сўм миқдоридагина пул қайтариб берилди.

Жумҳурият Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги товармоддий бойликларни олиб чиқиб кетишни назорат қилувчи давлат инспекциясининг вилоят бўлими ўтган йилнинг 1 ноябридан фаолият кўрсата бошлади, — деди биз билан суҳбатда Омонбой Иброҳимов. — Бўлимга уюшган 40 нафарга яқин назоратчи учта муқим ва битта кўчма постда иш олиб боришяпти. 2,5 ойлик қисқа фурсат ичида моддий бойликлар ташиб кетилаётганига доир автомобиль транспортида 147 та, темир йўл транспортида 23 та, ҳаво транспортида 10 факт аниқланди. Ушлаб қолинган товарларнинг умумий ҳажми 4 миллион 700 минг сўмликдан кўпроқни ташкил этди. Буларнинг энг кўпи озиқ-овқат, мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари, бугунги кунда ноёб ҳисобланган кийим-кечак ва бошқа ҳил саноат молларидир. Бу маҳсулотларни ўзга ҳудудларга олиб чиқиб кетишнинг йўлини тўсишда инспекция ходимларидан Илҳом Маткаримов, Аминбой Худойбергенов, Боғибек Ражабов, Баҳодир Раҳимов сингари фидойиларнинг хизмати таҳсинга сазовор.

Шу ўринда яна бир ҳақли савол туғилади: ташмачилар бу маҳсулот ва моддий бойликларимизни кимлардан, қайси савдо базаларидан олишяпти? Озиқ-овқат маҳсулотларини ўзимизникига мисқоллаб, ўзгаларга жарақ-жарақ харом пул эвазига ботмонлаб, тонна-тонналаб, саноат моллари ақалли биттадан ҳам топилмаётганда бошқаларга ўнлаб турли бежирим кийим-кечаклар, палослар, пойафзаллар, гиламлар, болалар кийимлари, юз-юз эллик метрлаб газламалар топиб бериб, халқнинг насибасини қирқаётганлар, эвазига катта бойликлар ортираётганлар кимлар ўзи? Аёнки, ўзимизда етиштирилаётган ва кўп машаққатлар билан четдан келтирилаётган барча турдаги моддий бойликлар дастлаб давлат ва матлубот жамияти базаларининг омборларига тушади. Лекин улар кўп миқдорда олиб сотарларнинг, қаллоблар-у чақирилмаган «меҳмонлар»нинг қўлларига қайси йўллар билан тушиб қолмоқда? Вилоят давлат савдоси бошлиғи И. Каримқулиев, матлубот жамияти раиси К. Эшжонов савдо учун бошқа мутасадди раҳбарлар қаёққа қарашяпти? Ўртоқ Р. Каримқулиев вилоят телевидениеси орқали бир неча бор сўзга чиқиб, савдо базалари ва омборларидаги тақчилликларни бир неча бор эътироф этгани нимаси-ю, молларимизни ўзгалар вагонлаб, контейнерлаб, халта-халталаб ташиб кетишаётгани нимаси? Аҳолини ижтимоий жиҳатдан савдосотиқ масаласида ҳам ҳимоя қиламиз, дея оғиз кўпиртириб берилган ваъдаларнинг ижроси қани?

Бизнингча, ўзи шундоқ ҳам кеч киришилган назоратни янада кучайтириш, давлат инспекцияси фаолиятини жонлантириш, қўшимча яна бир неча ўринда постлар ташкил қилиш зарур. Воҳа ҳудудида қаллоблар яширин ҳаракат қила оладиган катта-кичик ички йўллар, йўлаклар ҳали жуда кўп. Бошқа ҳудудлардан келиб мол тўплаш, уни олиб чиқиб кетиш илинжида турли йўлларни, таниш-билишларни, нопок кишиларни ишга солиб, изғиб юрганлар эса ундан ҳам кўп. Ҳамма нарса етар-етмас бўлиб, нарх-наво осмонга чиқиб кетган ушбу оғир дамларда халқимизнинг насибасини қирқишга, оғзидаги ошини олдиришга қатъий барҳам бериш керак. Бу хасислик ва қизғанчиликдан айтилаётган гаплар эмас. Булар шу кеча-кундузнинг, қаттиқ қийинчиликларга дуч келган даврнинг талаби.

Эркин МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХУШХАБАРЛАР

ЯНГИ ДОРИХОНА

● Янгиер шаҳрида янги дорихона фойдаланишга топширилди. Уни «Голодностепстрой» қурувчилари бунёд этдилар.

Дорихона 900 квадратметр фойдали ўринга эга бўлиб, унда 25 нафар мутахассис меҳнат қилади. Дорихона Сирдарё вилоятидаги энг йирик ва замонавий табобат иншоотларидан биридир. Бу билан вилоятдаги дорихоналар сони 80 тадан ошиб кетди. Вилоят «Фармация» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошлиғи Э. Тожиевнинг таъкидлашича, йил охирига қадар Гулистон шаҳрининг 4-мавзесида, Сайхунобод районида яна учта дорихона қуриб битказилади.

«НАВРУЗ» ЧОРЛАЙДИ

● Сирдарё райони вилоятнинг йирик, аҳолиси зич ҳудудларидан. Бу ерда қарияларнинг кўнгилли хордиқ чиқаришлари учун қулай шароитлар яратиш йўлида хайрли ишлар қилинмоқда.

Айниқса, янги чойхоналар қурилишига эътибор берилаётир. Яқинда райондаги Собир Раҳимов номли боғдорчилик хўжалигида 200 ўринли чойхона фойдаланишга топширилди. «Навруз» деб юритилаётган бу чойхона кенг ва шинам, шарқона усулда барпо этилган. Ўзига хос гурунгхона, қариялар, хўжалик меҳнат аҳлининг севимли жойига айланиб қолди.

ХАЙРЛИ ЮМУШЛАР

● Охунбобоев қишлоғи қарияларининг даъвати билан халқ хашари уюштирилди.

Шу куни кўпчиликнинг меҳнати билан қабристон тартибга келтирилди, йўллар созланди, дарахтларга шакл берилди. Комсомол районидаги «Ленинград» давлат хўжалигида амалга оширилган бундай хайрли ишларга Т. Раҳмонқулов, М. Йўлчиев, А. Хакимов сингари қишлоқ қариялари бош-қош бўлишди.

А. УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОМИЛКОРЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

Жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Сиддиқжон Муҳаммаджонов.

Тошкент халқа йўлидан ўтиб колхоз марказига бурилгандан кейинроқ киши кўз ўнгида кенг далалар намоён бўлади. Ҳозир айни қиш чилласи бўлсада юртимиз табиатига хос илиқлик дилга ҳузур бағишлайди.

Далалардан кўтарилаётган ҳовур аралаш тупроқ ҳиди димоққа гуп этиб урилади. Бу ҳид қишлоқда ўсган киши учун, айниқса, ёқимли. У беғубор болаликни эсга солади. Одамнинг баҳри-дилини очиб юборади. Шудгорланган, кафтдек текис пайкалларга боқар эканман ёзда шу ерлардан ботмон-ботмон ризқ-насиба унишини кўз олдимга келтираман.

Хизмат тақозоси билан жумҳуриятимизнинг жуда кўп ерларида бўлишга тўғри келади. Яхши ишлаб, мўл ҳосил етиштираётганларни ҳам, далага зўрға чиқиб, қўл учида ишлаб, рўзғорини базўр тебратаётганларни ҳам кўрганман. Бироқ қолоқ хўжаликни қолоқ десак, илғорида ҳам самара кўнгилдагидек эмас.

Сабаби бирида маҳсулот етиштиришнинг ўзи кам бўлса, бошқасида ҳосилни йиғиб олиш, ташиш, сақлаш жараёни такомиллашмагани туфайли қанчадан-қанча неъмат исроф бўлиб кетяпти. Шу сабабли ҳам жаннатмакон диёримизнинг мисқоли олтинга тенг тупроғи саҳоватини кескин оширишнинг иложи бўлмаяпти. Натижада одамлар ариқ бўйида сувга ташна кишилардек мева-сабзавотдан етарли баҳраманд бўлишолмаяпти.

Аммо шундай одамлар ҳам борки, улар нафақат замон билан баробар қадам ташлайдилар, балки узоқни, келажак истиқболини олдиндан кўра биладилар. Шунинг учун уларнинг доимо ошиқлари олчи, ҳаракатлари баракали.

ҚИРҚ ЙИЛЛИК САРДОР

Сиддиқжон ака Муҳаммаджоновни жумҳуриятимизда танимаган одам бўлмаса керак. Бу табаррук инсон 40 йилдан ошдики, жамоага бошчилик қилиб келяптилар. Ҳар гал жамоа хўжалигига борганимда раис билан бўлган дастлабки учрашувим эсимга тушади.

Бундан қарийб ўн йилча олдин топшириқ билан колхозга боришимга тўғри келиб қолди. Мени йўлга отланаётганимни кўрган ҳамкасбларимдан бири сўради:

— Йўл бўлсин?

— «Ленин йўли» колхозига.

— Роса омадингиз чопибди-ку! У ерга борадиган бўлсангиз чўнтагингизга ҳеч бўлмаса қаттиқ нон солиб олинг.

— Нега?

— Э, раис жуда хасис. Борган одам оч қайтади.

— Майли бир кун рўза тутадиган бўлибмиз-да, — дедим ҳамкасбимга ҳазиллашиб.

Вақт пешинга яқинлашганда колхоз идорасига етиб келдим. Раис мени очиқ чеҳра билан кутиб олди. Мақсадимни тинглагач:

— Иш қочиб кетмайди. Бўш қоп тик турмайди. Олдин тамадди қилиб олайлик, сўнгра бафуржа суҳбатлашаверамиз, деб қолди.

Ҳайрон бўлдим. Эрталаб «тарифи»ни эшитган раис мени дастурхонга таклиф қиляпти. Ёки ҳамкасбим ҳазиллашдимикан!

Идора ёнидаги токзор чеккасидаги сўри остида ўтириб, Муҳаммаджон ака билан бир косадан шўрва ичиб суҳбатлашдик. Олдимда ўтирган вазмин, истараси иссиқ кишининг сўзлари мени лол қолдирди. Ён дафтарчамга ёзиб келган саволларни беришга ҳожат қолмади. Хўжалик фаолияти, одамларнинг ишлари, қўлланилаётган тажрибалар ҳақида шундай содда, тушунарли қилиб айтиб берган кўп сўзлари ҳамон ёдимда.

Сиддиқжон ака қилинаётган ишларни, режаларни сўзларкан баъзан тутоқиб кетардилар. Ахир ўзингиз ўйланг, хўжалик меҳнат аҳлига ҳам, аҳолига ҳам бирдай ёрдам бериши мумкин бўлган ишларнинг кўпи тўрачилик тўсиқларига учраб, барбод бўлса ким куюнмайди?

Хўжаликда биз ҳозир афзаллигини мақтаб, таърифини достон қилаётган пудрат усули ўша пайтлардаёқ қўлланилган. Одамларнинг меҳнатига яраша маҳсулот билан ҳақ тўлаш йўлга қўйилган. Масжид қуриш, қабристонларни ободонлаштириш, одамларга томорқа ерлари беридек жамоа меҳнат аҳли бу йил қирқинчи маротаба Сиддиқжон ака Муҳаммаджоновни ўзларига сардор қилиб сайладилар.

Мен фурсат топиб Сиддиқжон акага ҳамкасбимнинг сўзларини эслатдим. У кулиб юборди ва деди:

— Биласизми, колхозимиз шаҳарнинг биқинида. Бунинг устига одамларимиз ҳалол тер тўкишаётгани сабабли ҳосилимиз ҳар йили баракали бўляпти. Шунга яраша иқтисодимиз чакки эмас. Даромадга қараб буромад, деганларидек олинган фойданинг бир қисмини қишлоқларни ободонлаштириш, турмуш шароитини яхшилаш, деҳқончилик маданиятини юксалтиришга сарфлаяпмиз. Боғларимиз, узумзорларимизга кирган кишининг чиққиси келмайди. Жаннатга қиёслашади.

Бундай тўкин-сочин, баҳаво ерларга келишни хоҳловчилар кўп, албатта. Келишаверсин, бағримиз доимо очиқ. Келганларни, албатта, бир коса овқат, мева-чева билан сийлаймиз. Аммо баъзилар катта зиёфатни, ичкиликбозликни, бу ердан бирон нарсани ундириб кетишни ўйлашади.

Ахир буларнинг ҳаммаси колхозники, колхозчиларники. Уни бебилиска сарфлашга ҳеч кимнинг, ҳатто раиснинг ҳам ҳаққи йўқ. Ўша одамлар уйга боришсин, марҳамат топганимни олдиларига қўяман.

Раис ҳақ гапни айтдилар. Колхозда етиштирилаётган ноз-неъмат самарасидан аввало уни етиштираётганлар манфаат кўриши керак. Ана шунда одамлар янада яхшироқ ишлашади. Буни хўжалик жамоаси аъзоларининг ўтган йилги иш натижалари яққол кўрсатиб турибди.

ТОҚҚА ЧИҚҚАН ЧУҚҚИНИ КЎЗЛАР

Муҳаммаджон Фозилов номли жамоа хўжалиги бир тўғри даланинг ўзидан пешма-пеш етказиб турилди. Бу билан бир томондан, шаҳарликлар янги, сифатли мева-сабзавотга эга бўлишса, иккинчи томондан, хўжалик кассасига мўмайгина даромад тушди.

Хўжалик раиси Сиддиқжон ака тажрибали деҳқон, соҳибкор бўлиш билан бирга иқтисодни яхши биладилар. Фойда чиқадиган ишни охирига етказмай қўймайдилар. Ҳозир мева-сабзавотни узиш, ташиш, сақлаш ҳамма жойда яхши йўлга қўйилмаганлиги туфайли қанчадан-қанча меҳнат, ҳаражат эвазига етиштирилган неъматларнинг каттагина қисми нобуд бўляпти.

Колхозда исрофгарчиликка бутунлай барҳам бериш учун ўтган йили замонавий омборхона қурилди. Омборхонада бир йўла 500 тонна маҳсулотни сақлаш мумкин. Айни кунларда шаҳардаги хўжаликка тегишли дўконлардан узум, пиёз, олма, лимон ва сут маҳсулотларини харид қилишингиз мумкин.

Жамоа хўжалиги иссиқхонасида олиб борилаётган ибратли ишлар бир неча йилдирки, матбуот саҳифалари, радио тўлқинлари, «Зангори экран» орқали мадҳ этиляпти. Миришкорларнинг иссиқхоналардан фойдаланиш борасидаги ўзига хос тажрибасини ҳар қанча мақтаса арзийди. Чунки ҳанузгача жумҳуриятимиздаги бирорта хўжалик Муҳаммаджон Фозилов номли жамоа деҳқонлари олаётган самара даражасига эришганларича йўқ.

Хўжаликдаги иссиқхона 8 гектар майдонни ташкил этади. Болгариялик қардошлар лойиҳаси асосида қурилган иссиқхонада дала ишларини бажаришда механизмлардан бемалол фойдаланиш мумкин. Шунинг учун помидор, бодринг етиштириш билан боғлиқ бўлган барча юмушлар ўз вақтида сифатли адо этиляпти. Фақат шугина эмас, иссиқхонанинг шундай тажрибали, меҳнаткаш, ўз касбига меҳр қўйган фидоий миришкорлари борки, улар билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

Жамоа хўжалигида иссиқхонанинг ҳар квадрат-метридан ўтган йили ўртача 16 килограммдан ҳосил йиғиштириб олинди. Нигора Тўлаганова, Раҳима Сайдалиева, Шоҳида Исломова, Собир Мирзаев, Мастура Зокирова каби деҳқонлар ўз маҳоратларини ишга солиб, ҳар квадрат ер қайтимини 20—23 килограммга етказишга муваффақ бўлишди.

Ўлкамизнинг илиқ иқлим шароити иссиқхоналар қуриш учун жуда қулай. Унга кўп ёқилғи талаб қилинмайди. Агар ҳамма ерда уларни ўзимизда чиқадиган табиий газ билан иситишга ўтсак, самараси янада юқори бўлиши мумкин. Иссиқхоналарни кўпайтириш ва самарасини кўтаришнинг яхши томони шундаки, бир томондан аҳоли қишда ҳам витаминли мева ва сабзавотлардан баҳраманд бўлади, иккинчи томондан хўжаликлар, хусусан деҳқонлар даромадига барака киради. Буни қуйидаги рақамлардан ҳам яққол кўрса бўлади.

Масалан, хўжаликда катта ҳажмдаги очиқ майдонларда етиштирилган ҳосилдан 1 миллион 543 минг сўм даромад олинди. 8 гектарлик иссиқхонадан олинган даромад эса 4 миллион 105 минг сўмни ташкил этди. Бу ерда ишловчиларнинг ҳар бири ўтган йили ойига ўртача 791 сўмдан ҳақ олди.

Жамоа аҳлини ён атрофдаги хўжаликларда яшовчилар азалдан уста соҳибкорлар сифатида яхши биларди. Тошкент бозорларида сотиладиган сара узумларни асосан шулар етиштиришади. Хўжаликда ота-боболарининг касбини ардоқлаб келаётган уста боғбонлар жуда кўп. Уларнинг ҳалол меҳнати, билим-тажрибаси туфайли Муҳаммаджон Фозилов номли колхоз узум ҳосилдорлиги бўйича жумҳуриятимизда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди.

Сутни қайта ишлаш цехининг илғор ишчиси Нафиса Зокирова.

Хўжалик сўнгги пайтда ўз имкониятларини ҳисобга олиб, узумчиликка ихтисослашяпти. Ўтган йили бу ердаги жами токзорлар 250 гектар эди. Бу йил 350 гектар ерда узум етиштириш кўзда тутилмоқда. Соҳибкорлар 1991 йилда 2 минг тонна узум етиштиришни мўлжаллашган эди. Астойдил қилинган меҳнат зое кетмади. Жами 2344 тонна ширин-шакар узум тайёрланиб режа 117 фоиз қилиб адо этилди. Ҳар гектар ер ҳосилдорлиги 18 тоннадан ошди. Кўрилган даромад 4 миллион 132 минг сўмни ташкил этади.

— Эришган ютуқларимиз чакки бўлмаса-да, ҳали биз ҳамма имкониятлардан тўлиқ фойдалана олямпиз деёлмаймиз, — дейди С. Муҳаммаджонов. — Масалан, Мазида Бойметова, Иброҳим Нурхожиевлар бошлиқ бригадаларнинг уста боғбонлари ҳар гектар токзордан 19 тоннадан узум териб топширишди.

Узумчиликда ижара пудратининг афзаллигини бугун яққол ҳис қилиб турибмиз. Энди ижарачилар билан шартнома тузгач, ҳосил етиштиришни уларнинг ўзларига қўйиб берамиз. Фақат керакли ўғит, кимёвий дорилар, техникани вақтида етказиб беришни ўйлаймиз. Қолгани билан ишимиз бўлмайди, тўғрида ўз ишини яхши биладиган боғбонга аҳл ўргатишнинг нима кераги бор? Мустақиллик, ўз меҳнати самарасидан баҳраманд бўлиш уларни унумли ишлашга ундаяпти. Шунга яраша хирмон ҳам баракали бўлмоқда.

Ҳамида Жуманова ўтган йили ҳар гектар токзор ҳисобига 261 центнер, Озода Кумушева 272 центнер, Қаюм Тўлаганов ва Хожиакбар Азимовлар 296 центнер, Раҳим Абдувоҳидов 305 центнер, Шоназар Носиров эса 326 центнер узум етиштиришга муваффақ бўлдилар.

Ҳа, жумҳуриятимизда ҳар гектар ердан ўртача ўн тонна атрофида ҳосил олинаётган бир шароитда хўжалик соҳибкорларининг эришган ютуқлари тоғчаликдир. Тоққа чиққан чўққини кўзлар, деганларидек ҳамма соҳибкорлар мўл ҳосил етиштирган тажрибакорлар даражасига етиш учун ҳаракат қилишяпти. Улар ток экиладиган майдонларни кенгайтириб бориш, ерларнинг самарадорлигини ошириш ҳисобига 1995 йилга келиб, узум етиштиришни олти минг тоннага етказишни режалаштиришган. Хўжалик меҳнаткашларининг сўзлари билан ишлари доимо бир бўлиб келган. Бунинг исботини кўп кўрганмиз. Демак, яқин йиллар ичида дастурхонимизда миришкорлар етиштирган неъматлар, албатта, кўпаяди.

ФОЙДАЛИ ТАРМОҚ

Чорвачилик деганда кўплаб хўжаликларда зарар келтирадиган тармоқ тушунилади. Унинг зарари кўпинча асосий тармоқдан келадиган фойда эвазига қопланади. Шунинг учун ҳам бир йилда икки, уч маротаба сабзавот ҳосили кўтариш, бедани беш-олти маротаба ўриб олиш мумкин бўлган шароитда етиштирилган гўшт, сут аҳоли эҳтиёжини қопламаяпти.

Шу сабабли қардош республикалардаги шерикларимизда бундай маҳсулотларни осмон баробар кўтариб юборишди. Гўшт, сут нархини аҳоли чўнтаги кўтарадиган даражага тушира олмаётганлигимизнинг сабаби ҳам шунда.

Аҳволни ўнглаш, чорва маҳсулотларини кескин кўпайтириб, халқимизнинг уларга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондиришнинг иложи борми? Муҳаммаджон Фозилов номли жамоа хўжалиги чорвадорларининг тажрибаси бу саволга қўрқмасдан бор, деб жавоб беришга асос бўлади.

Хўжаликда аввало етарли миқдорда озуқа жамғаришга ҳаракат қилинади. Масалан, ўтган йили режадаги 1700 тонна ўрнига 2226 тонна озуқа жамғарилиб, бу борадаги план 131 фоизга адо этилди. Ем-хашакни фақат қайта ишлаб, тўйимлилиги оширилган ҳолда молларга едирилгани туфайли ҳам белгиланган 860 тонна ўрнига қарийб 1100 тонна серқаймоқ сут тайёрланди.

Бу бир томондан юқорида айтганимиздек, мустаҳкам озуқа базаси вужудга келтирилгани бўлса, иккинчи томондан, чорвадорларга яратилган қулай шароит, қолаверса уларнинг билими, маҳорати, ҳалол, баракали меҳнати самарасидир. Ҳар бир говмишдан ўртача 3853 килограммдан сут соғиб олинди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги вазирлигининг маълумотларига навар ташлайдиган бўлсак, бу борада ҳам хўжалик жамоаси республикада етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Жамоа хўжалигида тўрт минг килограммлик марра эгаллаган.

Илғор сигир соғувчи, меҳнаткаш инсон Қория Шокирова ўз боқимидаги 20 бош говмишнинг ҳар биридан 4057 килограммдан, жами 85,2 тонна сут соғиб топширгани фикримизнинг далилидир. Агар республикамизда мавжуд сигирлардан олинадиган сутни уч минг килограммга етказа олсак аҳоли дастурхонини тўкин қилиш, нарх-навони анча пасайтириш мумкин бўларди. Бу борада Муҳаммаджон Фозилов номли жамоа хўжалиги чорвадорлари ишидан ҳар қанча ўрганса арзийди.

Мен бундан уч йил муқаддам Чехословакияда бўлган эдим. У ерда сутни қайта ишлаш асосан кичик корхоналарда амалга ошириларкан. Диққатга сазовор томони шундаки, қайта ишлаш корхоналари хўжаликлардаги фермалар ёнгинасида жойлашган.

— Сутни марказлашган тартибда заводларга юбориб, ўша ерда маҳсулот ишлаб чиқарган қулай эмасми? Катта заводларда имконият ҳам катта-ку, — деб берган саволимга чорвадорлар шундай деб жавоб беришганди:

— Маълумки, сутнинг қарийб 90 фоизини сув ташкил қилади. Уни узоқ масофага ташиш катта маблағ талаб қилади. Агар машина ёки совитгич ишламай қолса ёки хўжаликда совитгич бўлмаса, айниқса ёз ойларида сут тез ачиб қолади. Бу катта зарар. Шунинг учун кичик корхоналар қуриб истеъмолчиларга тайёр маҳсулот жўнатамиз. Бу бир томондан исрофгарчиликнинг олдини олса, иккинчи томондан катта фойда беради.

Муҳаммаджон Фозилов номли колхозда ҳам аллақачон сутни қайта ишлайдиган цех қурилган. Ҳар куни соғиб олинган сутдан мактаб ва боғчага керагича берилгач, қолгани шу ерга келтирилади. Цехда қатиқ, қаймоқ, сметана, пишлоқ, сузма, қўйингки, сариёғдан бошқа ҳамма турдаги сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Улар янгилигича аҳолига етказиб берилади.

Ўтган йили цехда 353 тонна сут қайта ишланди. Шундан 455 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришди. Агар шунча сут давлатга топширилганда атиги 226 минг сўм даромад олинарди. Қайта ишлашни йўлга қўйиш орқали жамоа хўжалигида 212 минг сўм соф фойда кўрилди. Буни омилкорлик дейдилар!

БИРЛАРИ ЎН БУЛЯПТИ

Сиддиқжон Муҳаммаджонов билан иш хонасига кирдик. У қандайдир лойиҳа билан бизни таништирди.

— Шаҳар кенгайиб хўжалигимиз ерлари тобора қисқариб бормоқда. Тошкент аҳолиси ҳам, қишлоқларимиз аҳолиси ҳам кўпайяпти. Шундай шароитда ҳар қарич ердан самарали фойда олиш билангина аҳолининг озиқ-овқатга бўлган талабини қондиришимиз мумкин. Шу мақсадда балиқчилик хўжалиги ташкил этишга аҳд қилдик.

Хўжалигимиз ҳудудидан Дамариқ оқиб ўтади. Унинг ёнида пастликда жойлашган ерлар талайгина. Ҳисоб-китобимизга қараганда, бу ерларда ҳар бири бир гектарлик ўнта ҳовуз кавлаб, балиқ боқиш имконияти бор экан. Мутахассисларнинг айтишича, шу ҳовузларга баҳорда ташланган уруғдан кузда 5—6 тонна балиқ олиш мумкин. Агар ҳозирги нарх бўйича ҳар бир килограмм балиқ 10 сўмдан сотилганда 10 гектар ердан камида ярим миллион сўм даромад кўрса бўлади.

Излаган имконият топади, деганларидек хўжаликда ўз ишининг ҳақиқий жонкуярлари, ташаббускор, омилкор, изланувчан кишилар ишбоши. Шунинг учун ҳам йил сайин бирлари ўн бўляпти.

Жамоа хўжалигида кўпроқ узумнинг «Баян ширей» нави ўстирилади. Ширраси юқори бўлганлиги сабабли уни истеъмол қилиш ҳам мумкин, вино қилса ҳам бўлади. Машҳур конъяк спирти ҳам ана шу нав шарбатидан олинади. Хўжалик эса илгарилари шу нав узумнинг килосини 25—30 тийиндан, нарх-наво ошгандан сўнг эса 1 сўм 20 тийиндан сотди.

Ўйлаб кўришса, узумни қайта ишлаш эвазига даромадни анча ошириш мумкин экан. Шу мақсадда узум шарбати олиш цехида 900 тоннага яқин узум қайта ишланди. Натижада роса бир миллион сўм қўшимча даромад олишга муваффақ бўлинди. Жорий йилда бу кўрсаткични иккиуч баравар кўпайтириш мўлжалланган. Бунинг учун ҳамма имкониятлар бор. Аввало, цех кенгайтириляпти. Қолаверса, шарбат вино қилинса, нархи бир неча баробар кўтарилиши мумкин.

МУАММОЛАР ЙЎҚ ЭМАС

Хўжалик меҳнаткашлари ишнинг кўзини билиб ҳалол ишлаётганликлари туфайли йил сайин маҳсулот етиштириш кўпайиб, даромадлари ошиб боряпти. Улар янада қулочни кенг ёзиб, халққа кўпроқ маҳсулот бериш билан бирга ўзлари ҳам яхшироқ яшашни хоҳлашяпти. Лекин маъмурий-буйруқбозлик давридан қолган шундай тўсиқлар ҳам борки, уларни олиб ташламасдан кўзланган ниятга эришиш қийин, албатта.

Масалан, шаҳарликлар талонга оз бўлса-да гўшт, сариёғни дўконлардан харид қилишяпти. Бироқ қишлоқ аҳли бу имтиёздан маҳрум. Қолаверса, ҳамма ҳам уйида мол боқиш имкониятига эга эмас. Жамоа хўжалиги одамларга мол сўйиб, гўшт сотиши мумкин. Бунинг учун имконият ҳам бордек туюлади.

Хўжаликдаги ҳисоб-китобларга назар ташлайдиган бўлсак, жамоа чорвадорлари биргина ўтган йилнинг ўзида режадаги 69,4 тонна ўрнига 133,2 тонна гўшт топшириб, бу борадаги топшириқни 192 фоиз қилиб уддалашган. Шунча гўштнинг бир қисмини, қолаверса, режадан ортиқчасини қишлоқларда қассобхоналар очиб, аҳолига сотса бўлмайдими, деган ҳақли савол туғилади.

Аммо жамоа хўжалиги бошқаруви бунинг уддасидан чиқолмайди. Сабаби бундан бир неча ўн йиллар бурун таркиб топган қоидага мувофиқ бузоқлар бўрдоқичилик базаларига топширилади. У ерларда моллар марказлашган тартибда семиртирилиб, давлатга топширилади. Хўжалик гўшт топширгани ҳақида қоғоз олади, холос. Ана шу топширилган гўшт жамоа хўжалиги ҳисобида ҳам, бўрдоқичилик базаси ҳисобида ҳам қайд қилинади. Натижада қоғозда гўшт кўп-у амалда-чи?!

Муҳаммаджон Фозилов номли колхоз аъзолари ҳам ўзларига тегишли гўштдан ўзлари қуруқ қолишмоқда. Шунинг учун ҳам янги йил арафасида фермадаги сигирларни сўйиб одамларга сотишга мажбур бўлишди.

Агар молларни бўрдоқига боқишга имконияти бўлган хўжаликларга бу ишни ўзларига топширилса, ёмон бўлмасди. Ана шундагина меҳнаткашлар ўз меҳнатлари самарасидан баҳраманд бўлишарди. Хўжаликда бунга имконият бор. Фақат зарур бўлган ем етказиб берилса бўлгани.

— Ҳозир бозор иқтисодига ўтиш муносабати билан хўжаликлар ўзлари етиштирган маҳсулотнинг эллик фоизини ўзлари тасарруф этишлари ҳақида кўп гаплар бўляпти, — дейди хўжалик бошқаруви раисининг муовини Акбар Сулаймонов. — Лекин уни бажаришга келганда турли тўсиқларга дуч келяпмиз.

ОДАМЛАРГА ТАЯНИБ

Хўжалик меҳнаткашлари бу йил яна ҳам самарали ишлаб, кўпроқ маҳсулот етиштириш, шунинг эвазига кўпроқ даромад кўриб, яхшироқ яшашга ҳаракат қилишяпти. Режалар улкан бўлса-да, уни бажариш учун имконият етарли. Бундай дейишга асос бор. Чунки хўжаликда фойда олиш билан бир қаторда унинг бир қисми уни яратаётганлар учун сарфланаётир.

Масалан, хўжаликда узоқ йил ишлаб пенсияга чиққанлар нафақасига 30 сўм қўшиб берилмоқда. Пенсияга чиқиб ишлаётганлар иш ҳақига 20 фоиз қўшимча ҳақ тўланяпти. Ишламайдиган пенсионерлар газ, ичимлик суви, электр тўловларининг ярмини тўлайдилар.

Жамоада ишлаётган йигит ёки қиз турмуш қурса, уларга 300 сўм пул билан битта қўй тўёнага берилади. Пенсияга чиқаётган кишига минг сўм ёрдам пули ажратиш тартиби жорий қилинган. Боғчаларда болалар бепул тарбияланадилар. Мактаб ўқувчиларига бир маҳал иссиқ овқат ва сут берилади. Бундан ташқари аълочи болаларга стипендия жорий этилган.

Уларнинг аъло ўқишига ҳисса қўшаётган юқорида малакали ўқитувчиларга ойига 140 сўмдан қўшимча ҳақ тўланмоқда. Юқоридаги амалий ишлар ва одамларни нарх-навонинг ошишидан ҳимоя қилувчи бошқа тадбирлар учун ўтган йили 180 минг сўм сарфланди.

Ҳа, Сиддиқжон Муҳаммаджонов ўзининг 40 йилдан ортиқ фаолияти мобайнида одамларга ғамхўрлик кўрсатиб, уларга таяниб кам бўлмади. Хўжаликни илғор, машъал жамоа даражасига олиб чиқди. Буни юқоридаги факт ва рақамлар яққол исботлаб турибди. Жамоа хўжалиги аъзолари эришаётган ютуқларнинг сирини ўрганиш бошқалар учун катта самара бериши мумкин.

Каримжон РИХСИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

ФАРОВОНЛИК КАЛИТИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

ДЕЙИШМОҚДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ АЪЗОСИ, РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ НОИБИ СИДДИҚЖОН МУҲАММАДЖОНОВ ЕТАКЧИЛИК ҚИЛАЁТГАН ЖАМОА ХЎЖАЛИГИ МИРИШКОРЛАРИ

Иссиқхона деҳқонлари ўзаро мулоқотда.

Вино заводи бошлиғи Тўлқин Мусабоев ва механик Ҳамидулла Султонов.

Р. НУРИДДИНОВ (ЎзТАГ) ва В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

● НАЗМ ДАФТАРИДАН

ОРЗУЛАР УЙҒОНАР КЎЗЛАРИ ЁНИҚ

ИСТИҚЛОЛ ҚЎШИҒИ

Куннинг кўзи ёришди,
Нурга тўлди ҳар томон.
Истиқлолинг муборак,
Ўзбекистон — жонажон.
Озод бўлдинг, ҳур диёр —
Муқаддас она тупроқ.

Энди яшнар баҳрингда
Ҳар бир иқбол, ҳар ялпоқ.
Қушларинг энди эркин,
Қанот қоқарлар ялраб,
Жаннатдек ҳар гўшаҳга
Завқ берадилар сайраб.

Ҳур ҳавонгдан симириб
Кувнар ўғлонинг, қизинг.
Асрий орзуинг ушалди —
Кулди иқбол юлдузинг.
Энди эркинг қўлингда
Айтоласан ўз сўзинг.
Ўз ерида ўзи бек
Ўзбекистоним — ўзинг.

Ўзбекистоннинг мустақил деб эълон қилиниши жумҳуриятимиздаги барча каттаю-кичик қалбинч бирдай жўш урдириб юборди, ҳар юракда акс-садо берди. Истиқлол йўли ижод аҳллари учун ҳам алам ва изтироб, кураш ва ҳиссий пўртаналар йўли бўлди. Бу йўлда юрагимни зирқиратган дардларни оддий бир қаламкаш сифатида қоғозга туширдим. Улар ҳам аччиқ, ҳам ширин. Зеро, Ватан ва эрк туйғусидаги аччиқ ва лаззатли дард оламда йўқ.

МУАЛЛИФ.

Луғат

Қўлимда бир туркча сўзлуқ,
Ўқий десам,
Қора зулмат
Чўкар менинг кўзларимга,
Чўнтагимдан олиб кўзлик
Тақиб ҳатто
Қарасам ҳам
Тушунмайман
Мен туркларнинг сўзларига.

Турк тушунмас
Турк тилини,
Во ажабо,
Бу не замон!!
Бегонадай туюлади
Она тили.
Уни ўқиб англамаса,
Сезолмаса ҳароратин,
Қандай даҳшат,
Қандай ёмон!

СЎНГГИ НИДО

Афғонда ўқ тегиб йиқилдим ногоҳ,
Қуриб бормоқдадир лабларимда нам,
Энди падаримни ким қилар огоҳ,
Узга юртда қолиб кетмасин танам.
Бегона тупроқни бўяди қоним,
Киндик қоним томган, о, қулба хонам,
Сенга етишарми бу мажруҳ жоним,
Узга юртда қолиб кетмасин танам.
Жаҳонгашта еллар, ҳайрингиз энди,
Алвидо дилбарим, чиллирсоч санам.
Кўзимда ҳаётнинг нурлари тинди,
Узга юртда қолиб кетмасин танам.
Падарим куларни санар ҳойнаҳой,
Йўлга интизордир муштипар онам.
Ватандан олисда мен ётган бу жой,
Узга юртда қолиб кетмасин танам.
Юзимни куйдирар афғон шамоли,
Қайдасан, жаннатим, азиз Фарғонам.
Она тупроғимсиз не қочар ҳоли,
Узга юртда қолиб кетмасин танам...

САМАРҚАНД

Сўлим боғларингга келиб ҳавасим,
Ҳар тонг айлаимоқни айладим расм.
Дилимни яйратар наҳорий насим,
Азиз Самарқандим, лазиз Самарқанд.

Искандар, Чингизга сенда зарб етган,
Не-не жаҳонгирлар ололмай кетган,
Сарбадорлар жонини бахшида этган
Азиз Самарқандим, лазиз Самарқанд.

Темур салобати кундузларингда,
Бибихоним руҳи ҳур қизларингда,
Улуғбек нигоҳи юлдузларингда,
Азиз Самарқандим, лазиз Самарқанд.

Ер юзи сайқали — эй она шаҳрим,
Аждодлардан ёдгор — дурдона шаҳрим,
Сен менинг ғурурим, сен менинг фахрим,
Азиз Самарқандим, лазиз Самарқанд.

ОЗОДЛИК ЙЎЛЛАРИ

Жуда олис,
Жуда оғир,
Машаққатли
Озодликнинг йўллари.
Уқиқир-чўқиқир
Қинғир-қийшиқ,
Кўп хатарли
Унинг ўнгу сўллари.
Бу йўлардан юравериб
Товонлари қаварганди
бобомнинг.
Чоригидан
Айрилганди отам ҳам.
Шўри бўлган
Бу йўллар кўп авомнинг.
Тўмарислар ўтди бундан
Бирвақт кўкрагин кериб.
Широқ ўтди бу йўлардан
Бериб ёғийга фириб,
Бу йўлардан
Муқанналар,
Торобийлар,
Спитамен

Ўтди шердек ҳайқириб.
Бу йўлларда
Темур Малик,
Жалолиддин излари.
Бунда ҳамон жаранглайди
Амир Темур қиличию
Шоҳ Бобурнинг сўзлари.
Қолиб кетди бу йўлларда
Қодирийнинг
Армон тўла нигоҳи;
Бу йўлардан
Келар ҳамон
Чўлпон, Фитрат,
Усмон Носирлар оҳи.
Шукрларким,
Босиб ўтиш бу йўлларни
Бизларга этди насиб.
Бугун озод
Ўзбекистон
Эрк туғин баланд тутиб,
Кўкрак кериб бораётир
Аждодларга муносиб.

* * *

Ёйилди кенг даламга
Оқликнинг шоҳ сарпоси.
Беркитди ер юзини
Қишнинг оппоқ кўрпаси.
Табиатнинг қўйнида
Ҳукмрон сокин маром.

Ёз ташвиши чарчатган
Мавжудот олар ором.
Қор тагида она ер
Ёзга ҳамир қормоқда.
Кўз ёриш-чун баҳорда
Ер тўлашиб бормоқда.

* * *

Қалбимнинг қатида бир дард инграйди,
Ҳали уйғонмаган исёнкор руҳлар.
Узин англамаган юракда ҳали
Ушалмаган армонлар ухлар.
Ниш урмаган армон беланчагида
Орзулар уйғонар кўзлари ёниқ.
Юраклар тубига чўккан армонлар
Ёруғ орзу бўлиб гуллаши аниқ.

Файзи ШОҲ ИСМОИЛ.

Ўзбекистон ва жаҳон

ИЛДИЗЛАР БИРЛАШАДИ

Ўзбекистон Республикасининг истиқлоли кун сайин мустаҳкамланиб бораётир. Бу борада хорижий мамлакатлар, шу жумладан, Туркия билан сиёсий, маданий ва иқтисодий соҳадаги муносабатлар тобора кенгаймоқда. Республикамизнинг бир неча олий ўқув юртлари Туркиядаги университетлар билан ҳамкорликни йўлга қўймоқдалар.

Куни кеча Туркиядаги Истанбул университети иқтисод факультети профессори Дуған Каргул ва молия ишлари бўйича йирик мутахассис Суат Бойдаш Тошкент давлат университети профессор-ўқитувчилари билан учрашдилар. Меҳмонларнинг иқтисодиёт факультетидаги учрашуви ғоят қизиқарли ўтди.

Меҳмонлар Туркиянинг иқтисодий ва молиявий қийинчиликларни енгиб бугунги кунда жаҳоннинг етакчи мамлакатларидан бирига айланганлигини, бу йўлда ўз йўналишини барқарор давом этаётганликларини сўзлаб бердилар. Уларнинг маърузаларида Ўзбекистон ва Туркияяро ўрнатилаётган мустаҳкам ҳамкорлик неча йиллар давомида бир бутун бўлиб келган теран илдизлар яна бирлашаётганлиги алоҳида таъкидланди.

Туркиялик меҳмонлар олимларнинг бир неча саволларига жавоб бердилар.

Учрашув ниҳоясида мухбиримиз **М. Пирматов** Истанбул университети иқтисод факультетининг профессори Дуған Каргул билан суҳбатлашди.

— Олий ўқув юртлари ва факультетлараро ҳамкорлигимиз йўлга қўйилаётганлигидан мамнунмиз, — деди у. — Истанбул университети иқтисод факультетининг йирик профессорлари бу ерга келиб бозор иқтисодиёти бўйича лекциялар ўқийдилар. Ишлаб чиқариш, халқаро тижорат, молия, статистика каби соҳаларда ҳам бир-биримизга ёрдам бермоқчимиз. Ўз навбатида Тошкент давлат университети иқтисод факультетининг олимлари талабаларимиз ҳузурида қизиқарли лекциялар ўқийдилар.

Дўст ва қардош Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришди. Ниятимиз шуки, ўзбек халқи иқтисодий ҳаёт тарзига узоқ йиллар қийинчилик билан кириб, тез кунда ўз ниятига эришади.

— Ҳамкасбимиз ҳақ сўзни айтди, — деди Тошкент давлат университети иқтисод факультети декани, иқтисод фанлари доктори, професор С. Зайниддинов. — Биз бу ҳамкорликни амалда қўлламоқдамиз. Шунинг учун ҳам мен, иқтисод фанлари доктори Р. Муҳиддинов ва катта ўқитувчи Б. Авезов билан биргаликда Истанбул университетига йўл олаяпмиз.

Ҳамкорликдан мақсадимиз бир-биримизнинг тажрибамизни ўрганишдан иборат. Биз талабалар ҳузурида бозор иқтисодиёти ва мулкчиликни хусусийлаштириш бўйича лекциялар ўқиймиз. Бу ўз самарасини беради, деган умиддамиз.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ДИҚҚАТ!

Ўзбекитон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 9 январдаги 4-сонли қарорига биноан,

аҳоли истеъмол қиладиган электр қувватига, турар жойидан қатъий назар, ҳар бир киловатт-соат учун 8 тийинлик тариф белгиланди.

Илгари фуқаролар — Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, байналмилалчи-жангчилар, мактаб ўқитувчилари ва бошқалар учун белгиланган барча имтиёзлар янги тарифдан келиб чиққан ҳолда ўз кучида қолади.

Ўзбекистон Республикаси Нархлар давлат комитети ўзининг 1992 йил 22 январдаги 12/4-сонли қарори билан саноат ва носаноат истеъмолчилари учун 1992 йил 1 январдан кучга киритилган электр ва иссиқлик қуввати тарифларининг 09—01—1990/2—04 сонли қўшимча прейскурантини

ЖОРИЙ ЭТДИ

ЭЛЕКТР ҚУВВАТИ:

I ГУРУҲ—уланган қувватлари билан бирга 750 кВт ва ундан юқори бўлган саноат истеъмолчилари ва уларга тенглаштирилган истеъмолчилар. Икки ставкали тариф:
— энг юқори бандлик (нагрузка) ҳолатида 1 кВт учун — йилига 650 сўм;
— истеъмол қилинаётган 1 кВт. соат учун — 29 тийин.

II ГУРУҲ — уланган қувватлари билан бирга 750 кВт гача бўлган саноат истеъмолчилари ва уларга тенглаштирилган истеъмолчилар. Бир ставкали тариф: — 1 кВт. соат учун — 52-тийин.

IV ГУРУҲ — ишлаб чиқариш қишлоқ хўжалиги истеъмолчилари (бюджет маблағлари ҳисобида турувчи ишлатиладиган сув хўжалиги ташкилотларидан ташқари) — 1 КВт. соат учун 20 тийин.

Бюджет маблағлари ҳисобида турувчи ишлатиладиган сув хўжалиги ташкилотлари — 1 кВт. соат учун — 10 тийин.

V ГУРУҲ — электрлаштирилган темир йўл транспорти (электр тяга) — 1 кВт. соат учун 21 тийин.

VI ГУРУҲ — электрлаштирилган шаҳар транспорти (электр тяга) — 1 кВт. соат учун 29 тийин.

VII ГУРУҲ—носаноат истеъмолчилари — 1 кВт. соат учун 34 тийин.

III БЎЛИМ. Иситиш ва иссиқ сув таъминоти эҳтиёжлари учун сарфланадиган электр қуввати — 1 кВТ. соат учун 1 сўм 05 тийин.

ИССИҚЛИК ҚУВВАТИ:

I ГУРУҲ — қуйидаги гуруҳларда кўрсатилган саноат истеъмолчилари ва уларга тенглаштирилган истеъмолчилар:
—иссиқлик сув—1 Гкал. учун 137 сўм;

САРАЛАНГАН БУҒ:

— 1,2 дан 2,5 кгс/см² гача бўлган (2,5 кгс/ см²ни ҳам қўшиб ҳисоблаганда) — 1 Гкал учун 118 сўм;
— 2,5 дан ортиқ ва 7,0 кгс/см² гача бўлган (7,0 кгс/см²ни ҳам қўшиб ҳисоблаганда) — 1 Гкал учун 126 сўм;
— 7,0 дан ортиқ ва 13,0 кгс/см² гача бўлган (13,0 кгс/см² ни ҳам қўшиб ҳисоблаганда) —1 Гкал учун 134 сўм;
— 13,0 дан ортиқ ва 21,0 кгс/см² гача бўлган (21,0 кгс/см² ни ҳам қўшиб ҳисоблаганда)— 1 Гкал. учун 137 сўм;
— 21,0 кгс/см² дан ортиқ —1 Гкал, учун 139 сўм;
— ўткир ва ажралиб чиқувчи буғ — 1 Гкал. учун 151 сўм.

II ГУРУҲ — улгуржи истеъмолчилар — олиб сотувчилар — 1 Гкал. учун 91 сўм.

III ГУРУҲ — тураржой-қурилиш кооперативи: иссиқ сув — 1 Гкал. учун 42 сўм; сараланган буғ — 1 Гкал. учун 43 сўм

IV ГУРУҲ — иссиқхона хўжаликлари — 1 Гкал учун 20 сўм.

V ГУРУҲ — гаражлар, гараж-қурилиш кооперативи, ижодий ходимларнинг устахоналари, Уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг меҳмонхоналари — 1 Гкал. учун 39 сўм.

Барча қувват истеъмолчилари қувватдан фойдаланиш юзасидан 1992 йилнинг февраль ойида шаҳар электр ва иссиқлик тармоқлари ҳамда «Узэнергонадзор» билан қайта шартнома тузиб қўйишлари лозим.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 3315-88, 33-75-67, 32-98-81.

ҚОРХОНА ТАШКИЛОТ ВА БАРЧА ИШБИЛАРМОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Агар Сиз ишингиз ривож топсин десангиз, **Тошкент молия институтига** мурожаат этинг, у Сизга:

1. **фермер** хўжаликлари ва улар уюшмасини ташкил этиш, янги **эркин** нархларга ўтиш, корхона **молиявий** аҳволини таҳлил этиш, корхоналарни **акционерлаш,** ижарага олиш ва **хусусийлаштириш** юзасидан амалий-методик ёрдам кўрсатади, керакли **ҳужжатларни** тайёрлаб беради **бухгалтерия** ҳисоботларини тузишга кўмаклашади, чет эл кредити **экспертизасини** ўтказади.

2. Қисқа муддатли курсларда (3 ойлик) **бухгалтерлар** тайёрлайди, бизнес мактабларида (10-15 кунлик) **банк ишини** янгича юритишга, янги **солиқлар** қонун-қоидаларига, **фермер-хўжалиги** иқтисоди ва бухгалтериясига ўргатади.

Дарсларни малакали профессор-ўқитувчилар ва тажрибали мутахассислар олиб борадилар. Ўқишни тугатганлар махсус комиссия синовидан ўтиб, гувоҳнома олишади, Хизмат ҳақи келишув орқали белгиланади.

Муҳтожлар пуллик ётоқхона билан таъминланади.

Мурожаат учун телефонлар: 45-34-41, 45-35-42.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй.

● *МАРДЛИК—МАНГУЛИК*

ХОТИРАДАН ЎЧМАЙДИ СИРА

● Қизил Байроқ, Суворов ва Кутузов орденлари нишондори 159-Витебск ўқчи дивизиямиз фахрийларини Витебск шаҳри раҳбарияти ва фахрийлари кенгаши меҳмонга чорлашди. Учрашувда Андижондан Абдураҳмон Парпиев, Навоийдан Аҳмад Рўзиев, Чуст районидан Ражаббой Раҳимов, Бўка районидан Мажид Умаровлар қатори камина ҳам иштирок этган эдим. Қуйида қардошлар диёридан олган таассуротларимни муштарийлар эътиборига ҳавола қилмоқчиман.

«БАҒРАТИОН» ЖАНГИ

Сиёсий якуни ва қўлами бўйича Улуғ Ватан урушининг йирик жангларидан ҳисобланган «Багратион» операциясини амалга оширишга 1944 йил баҳорида тайёргарлик кўрила бошланган эди. Мақсад гитлерчиларнинг «Марказ» армия гуруҳини тор-мор келтириб, Белоруссияни озод қилишдан иборат эди. Операция бошланган 1944 йил 23 июнь куни қўшинларимиз Витебск шаҳри бўсағасида душман мудофаасини муваффақиятли ёриб ўтиб, 25 июнда шаҳарнинг Ғарб томонида беш дивизиясини қуршовга олдилар. Богушевск шаҳри йўналишидаги мудофаа ёриб ўтилгач, қўмондонлигимиз 5-гвардиячи танк армиясини жангга киритди. Березина дарёсидан кечиб ўтилгач, Борисов шаҳри озод этилди. 2-Белоруссия фронтининг қўшинлари эса 28 июнь куни Могилевдан ҳам душманни қувдилар.

1-Белоруссия фронтининг ўнг қанот қўшинлари 27 июнда Бобруйск районида душманнинг олти дивизиясини қуршаб, тор-мор келтирдилар. 1944 йил 3 июлда Белоруссия пойтахти Минск шаҳри озод қилинди.

ОЛОВЛИ ЙИЛЛАРДА

Витебск областининг Лиозно райони раҳбарлари Иван Иванович Авин, Пётр Петрович Блохин ва Анатолий Тимофеевич Огнищенколар ҳамроҳлигида дивизиядошларимиз озод қилган жойларда бўлдик.

Погостишче қишлоғини озод қилиш учун жанглар сира ёддан кўтарилмайди. Душман катта талафот кўрганди. Қуролдошларимиз ҳам мардларча жон фидо этишган. Жангчиларимиз хотирасини ёд этиб, ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйилди. Ҳурмат бажо этиб, сукут сақладик. Мармарлавҳага битилган ёзувларга кўз югуртирар эканмиз, фронтдош юртдошларимиз рухи шод бўлишини ният қилдик. Мана ўша марди-майдон ўғлонларимиз: Асомиддинов Н. Арслонов З. М. Абраҳимов Т, Асадов А. Т, Аҳмедов К. А, Аҳмедов Т, Абдуллаев А, Омонов А, Отаниёзов, А. Омонмуродов Б, Бурхонов А, Отаниёзов Н. Б, Ботиров Н. Е, Беков Б, Бақоев Р, Гизатуллин В, Мамадалиев, Собиров М, Умаров А. А,.. Қўшни Малое Мисники қишлоғи яқинидаги йўл ёқасида ҳам қабристон бўлиб, ён дафтаримга қуйидагиларни ёзиб қўйдим: З. Қорабоев, Г. М. Аҳмадхонов, Б. Ортиқов, З. Каримов ва Б. Аширов.

Яна бир қишлоқда бизни «Височани» давлат хўжалиги меҳнаткашлари нон-туз билан кутиб олдилар. Марҳум жангчилар учун ўрнатилган ёдгорлик ёнида митинг бўлди. Хўжалик директори Александр Андреевич Мясников, бузоқбоқар Валентина Крученкова, совхоз партия комитетининг котиби Мария Ивановна Фокина, дивизиямиз ветеранлар Кенгашининг раиси генерал-лейтенант Ю. В. Калининлар сўзладилар. Ёдгорлик пойига гуллар қўйиб, бурчимизни бажо келтирдик. Лавҳалар, номлар: С. И. Ўрозалиев, Д. Жумабоев, Х. Иброҳимов, Д. Д. Зокиров З. Каримов, Х. Қурбонов, П. Комилов, О. Маннопов, Н. А. Мирзаев...

Ёвуз душман билан юзма-юз олишувда ҳалок бўлган партизанлар ва яширин ҳаракат қилган жангчилар учун ўрнатилган ёдгорлик ёнида участка касалхонасининг бош шифокори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, уруш йилларида 21-Духовшчинский артиллерия дивизияси таркибида шифокорлик қилган Александр Гаврилович Антонов партизанлар ва яширин ҳаракат қилган жангчилар жасорати ҳақида ҳикоя қилиб берди.

ШАҲИДЛАР

Витебск озод қилинганда 180 минг кишилик аҳолидан бор-йўғи 118 киши ҳаёт қолган экан. Уларнинг аксарияти немис-фашист босқинчиларга қарши жангларда ҳалок бўлишган. Қолганларини партизанлик ва яширин жангчилар билан алоқадорликда айблаб гитлерчи вахшийлар қириб юборган экан. Биз уларнинг хотирасини шарафладик.

Бинолардан бирининг остини кўздан кечирдик. Қафасхоналар... деворлардаги ёзувлар олдида эътикмай илож йўқ. «Шулько Аркадий, 20/I—43. 1922. Шулько Дима, 30/I—43. 1937. Шулько Дуня, 4/I—43. 1897. Отиб ташланган». «13/II—43. Теша Питерской. Сен, қамоқхона, ёшлигимиз нима учун қурбон бўлганлигини эслатиб турсин». «Михайлов Н. С. 3/II—43 да келди. 1/IV—43 да кетди. 1915 йилда туғилган. Осиб ўлдириш учун лагерга олиб кетилди». «Комсомол В. И. Виноградов немис солдатини ўлдирганлиги учун 23/IX—1941 йилда осиб ўлдирилган». «Рая Шерякова. 1925 й. Яшашни истайман, аммо ҳалок бўляпман. Мени отиб ташлашади...».

Ер ости қамоқхонасидан эзилиб, оёқ судраб, бир алфозда чиқдик. Шаҳарнинг бугунги қиёфаси руҳимизни кўтарди.

Доломит заводи клубида тантанали йиғилиш бўлди. Витебск шаҳри, Лиозно райони, Руба посёлкаси ҳамда завод раҳбарлари иштирок этдилар. Кейин бизга меҳмоннавозлик кўрсатилди.

Қардош Белорусь заминида бўйлаб ўтказилган уч кунлик сафар фахрийлар қалбида ўчмас из қолдирди.

Мажид САМАДОВ,
Улуғ Ватан уруши фахрийси.



● ТОШКЕНТДА спортнинг энг янги оммавийлашиб келаётган турларидан бири — қикбоксинг бўйича илк марта Ўзбекистон чемпионати ўтказилди. Цирк биносида уюштирилган бу мусобақа мухлисларда яхши таассурот қолдирди. Рақибларнинг бокс ҳамда шарқона беллашув усуллари билан уйғунлашган курашлари мухлисларни ром этди. Мусобақани ташкил этиш ва моддий таъминлаш каби юмушларни «Нигоҳ» фирмаси ўз зиммасига олган эди.

Суратда: чиноэлик Б. Тўраев (ўнгда) билан тошкентлик К. Ниёзов баҳсида.

Суратқаш Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзТАГ).

● *СПОРТ* ●

ЧИМЁН ҚИЗЛАРИ

● ЯНА БИР неча кундан кейин Франциянинг Альбервиль шаҳрида қишки олимпиада байроғи кўтариладн.

Спортнинг 12 тури бўйича ўтказиладиган қизғин ва муросасиз баҳсларда жаҳоннинг турли мамлакатларидан тўпланган спортчилар 57 та медаль мажмуи бўйича ўзаро курашадилар. Ана шу йирик спорт анжуманида — туташ беш ҳалқа рамзи туширилган байроқ остида ўтказилувчи мусобақада биринчи марта Ўзбекистоннинг икки вакили қатнашади. Улар спортнинг чанғида акробатик ҳаракатлар қилиш — фристайл тури бўйича совринли ўринлардан бирига даъвогарлик қилишни мўлжалламоқдалар. Лина Червязова билан Лариса Удодовани Чимён қизлари, деб бежиз айтишмайди. Бойси, улар момиқ қор билан қопланган Чимён тоғи этакларида маҳорат ошириб, мухлисларини лол қолдириб келмоқдалар. Лина жаҳон кубоги учун мусобақаларда иккинчи ўринни эгаллаб эътибор қозонган.

ЯНА БИР НАҒМА

● ФУТБОЛЧИЛАР Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги чемпионатида иштирок этиши ҳақида бир қарорга келингандан кейин мухлислар андек хотиржам бўлишган эди.

Афсуски, бу борада ҳамон беқарорлик борлиги маълум бўлиб қолди. Москванинг ЦСКА, «Спартак,» Торпедо», «Динамо», «Локомотив» футбол жамоалари Ҳамдўстлик давлатлари чемпионатида иштирок этишдан бош тортишни ихтиёр этишди. Маълумки Украина, Болтиқбўйи республикалари, Арманистон, Молдова, Грузия республикалари аввал бошданоқ бирлашиб бахслашишдан воз кечишган эди. Москва футболчиларининг ихтиёрига қараганда Россия очиқ чемпионатини ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмиш. Ҳозирги иқтисодий танглик даврида ҳар бир жамоа учун камида 25-30 миллион сўм зарур бўлиб турганда бундай бош-бошдоқликнинг оқибати яхши бўлармикан. Ўйлаймизки, бу билан фақат миллионлаб мухлислар футбол завқидан бебаҳра қолдирилади, холос.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон қишлоқни ичимлик суви билан таъминлаш ва канализациялаштириш жумҳурият ишлаб чиқариш бирлашмасининг жамоаси Фарғона вилояти ичимлик суви ишлаб чиқариш, таъминлашни бошқариш трести раҳбари А. М. Маҳмудовга отаси

Мелиқўзи МАҲМУДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Механика, жараёнларни бошқариш ва информатика бўлими ҳамда Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги илмгоҳи жамоалари илмгоҳининг лаборатория мудири, техника фанлари доктори, профессор Ғ. Ҳ. Ҳожиметовга қизи

НАРГИЗАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир **Р. РАҲМОНОВ.**

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

УЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») —общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● 367.500 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № 221.

№25

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди—20.30. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.